

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

7-сон
(1183)
2025 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

55. «Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 февралдаги ЎРҚ–1026-сон Қонуни
56. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 февралдаги ЎРҚ–1027-сон Қонуни
57. «Ипотека кредити бозори янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 12 февралдаги ЎРҚ–1028-сон Қонуни
58. «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қў-

шимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 13 февралдаги ЎРҚ–1030-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

59. «Тахлилий ва тадқиқотчилик фаолиятини ташкил қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 февралдаги ПҚ–48-сон қарори
60. «Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 февралдаги ПҚ–51-сон қарори

Бешинчи бўлим

61. Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2025-yil 7-yanvardagi 78-son "Qiyoslashdan o'tkazilishi lozim bo'lgan o'lchash vositalari turkumlarining ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 10-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3606*)
62. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 30-yanvardagi 228-son "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 11-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3607*)
63. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 10-fevraldagi 3-mh-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlari o'quvchilari tomonidan tanishtiruv va malakaviy amaliyotni o'tash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirishlarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 14-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3116-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****55 Микромолиялаштириш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 24 январда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда микромолиялаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига нисбатан белгиланган айрим чекловлар, шу жумладан қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш имконияти чекланганлиги ушбу ташкилотлар томонидан кенг доирадаги истеъмолчиларга микромолиявий хизматлар кўрсатилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шунингдек етарли салоҳиятга эга бўлган микромолия ташкилотларининг тижорат банклари даражасига босқичма-босқич «ўсиши» учун имкониятлар мавжуд эмаслиги ушбу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг қайта кўриб чиқилишини талаб этмоқда.

Шу муносабат билан микромолия ташкилотлари ва тижорат банклари ўртасида уларни боғловчи «занжир»ни шакллантириш, шунингдек микромолия ташкилотлари учун қўшимча молиявий ресурсларни, шу жумладан депозитлар жалб этиш имкониятини яратиш мақсадида, мазкур Қонун билан банк хизматларини рухсат этилган шартлар асосида кўрсатишга ваколатли бўлган микромолия банки институтини жорий этиш, шунингдек микромолия ташкилотларини микромолия банкларига ва микромолия банкларини тижорат банкларига ҳамда аксинча трансформация қилиш учун ҳуқуқий асос яратилмоқда.

Ушбу Қонун ҳудудларда банк хизматларидан, шу жумладан микромолиявий хизматлардан фойдаланиш қўламлигини кенгайтиришга, шунингдек аҳоли кенг қатламларининг тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 февралда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»-ги 154–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 3, 217-модда, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 9, 965-модда) **60-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **йигирма биринчи** ва **йигирма иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«банкнинг молиявий операциялари бўйича фоизларни ҳисоблашга ва уларни банкнинг даромадлари ва (ёки) харажатлари ҳисобварақларига кириштишга доир талабларни;

кредит ташкилотлари фаолиятини ўзгартиришнинг ўзига хос хусусиятларини»;

йигирма биринчи хатбоши **йигирма учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–580-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 788-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 4, 267-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105, 111-моддалар, № 9, 965-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**ариза берувчи** — муассис (муассислар) томонидан банк ташкил этиш бўйича унинг (уларнинг) манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ифодалаш учун вакил қилинган шахс ёки ушбу Қонунга мувофиқ ўз фаолиятини ўзгартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат этган банк ёхуд микромолия ташкилоти»;

иккинчи — **ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** — **ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**микромолия банки** — ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган чекловларни инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширувчи банк. Агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонуннинг банкларга нисбатан белгиланган қоидалари микромолия банкларига нисбатан ҳам татбиқ этилади»;

саккизинчи — **ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи** — **ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 5-модда:

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-модда. Банкларнинг молиявий операциялари»;

биринчи қисмининг:

еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича пул маблағларини ва бошқа мол-мулкни ишончли бошқариш»;

қўйидаги мазмундаги **йигирма иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хизматларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан электрон ахборот алмашиш орқали кўрсатиш»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

3) 7-модда:

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолия банклари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чекловлардан ташқари қўйидагиларни инobatга олган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади:

бир жисмоний шахсдан омонатга жалб қилинган пул маблағлари миқдори банклардаги омонатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган кафолатланган омонат миқдоридан ошмаслигини;

бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори беш миллиард сўмдан ошмаслигини;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромад олишга йўналтирилган фаолияти учун берилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши етмиш фоизидан кам бўлмаслигини;

чет эл банкларида вакиллик ҳисобварақлари ва бошқа ҳисобварақлар очиш, чет эл фуқароларининг ва юридик шахсларининг мажбуриятлари бўйича кафолатлар бериш ҳамда мижозларнинг ташқи савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатиш тақиқланганлигини;

қарз қимматли қоғозларига инвестициялар банкларнинг ликвидлигини бошқаришга доир талаблар доирасида фақат Марказий банк томонидан белгиланган юқори ликвидли қарз қимматли қоғозларига қилинишини»;

учинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «учинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак»;

еттинчи қисмидаги «тўртинчи ва бешинчи» деган сўзлар «бешинчи ва олтинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 11-модданинг:

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк» атамасидан ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмала-

ридан фақат Банкларнинг давлат реестрига киритилган юридик шахслар томонидан фирма номида ёхуд товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғининг «UZ» домен зонасида фойдаланилади»;

иккинчи қисми «банк» деган сўздан кейин «ёки «микромолія банки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **13-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкнинг, бундан микромолія банки мустасно, устав капиталининг энг кам миқдори»;

иккинчи ва **учинчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолія банки устав капиталининг энг кам миқдори эллик миллиард сўмни ташкил этиши керак»;

иккинчи — **олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** — **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташкил этилаётган банкнинг устав капиталига киритилган маблағлар банкда очилган жамғарма ҳисобварағига ўтказилади, бундан банкни қайта ташкил этиш ёки микромолія ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этиш ҳоллари мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолія ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилаётган микромолія банкнинг устав капиталини тўлдириш учун маблағлар микромолія ташкилотининг ҳисобварағига киритилади»;

олтинчи ва **еттинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **15-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк таъсис этиш ёки қайта ташкил этиш ёхуд микромолія ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилади»;

7) **16-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи ва **иккинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади, бундан банкни микромолія ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этиш мустасно:

банк икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан ташкил этилганда таъсис шартномасини»;

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни»;

бешинчи хатбошиси «муассислар» деган сўздан кейин «(акциядорлар)» деган сўз билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган ҳар бир бевосита ва билвосита муассис (эгалик қилувчи), шу жумладан охириги бенефициар мулкдор тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни»;

еттинчи хатбошиси «муассислар» деган сўздан кейин «(эгалик қилувчилар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбошиси «муассис» деган сўздан кейин «(акциядор)» деган сўз билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкнинг устав капиталини шакллантириш (тўлдириш) учун киритиладиган маблағларнинг манбалари тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни»;

ўнинчи қисмининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«илгари баҳолашдан ўтган ва ушбу Қонуннинг 24-моддаси талабларига жавоб берган муассислар, бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилар, шу жумладан охириги бенефициар мулкдорлар эндиликда ушбу модда талабларига мувофиқ бўлмаганда»;

8) 17-модданинг:

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17-модда. Чет эллик муассисларга (акциядорларга) нисбатан улар томонидан банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш чоғида қўйиладиган қўшимча талаблар»;

тўртинчи қисми «муассислари» деган сўздан кейин «(акциядорлари)» деган сўз билан тўлдирилсин;

олтинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси «чет эл банки бўлган муассиснинг» деган сўзлардан кейин «(акциядорнинг)» деган сўз билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Марказий банк мазкур ҳолатларни банкнинг устав капиталидаги ушбу Қонун 22-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган мулкдордаги улушни олишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш чоғида ҳам инobatга олади»;

еттинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг 16-моддасида ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар муассис (акциядор) бўлган банк рўйхатга олинган ерда жойлашган Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси ёки бошқа консуллик муассасалари томонидан тасдиқланади, бундан ушбу Қо-

нун 16-моддаси биринчи қисмининг учинчи, бешинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар мустасно»;

9) **19-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошидаги** «муассисларнинг» деган сўз «бевосита ва билвосита муассисларнинг (эгаллик қилувчиларнинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **20-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошидаги** «муассисларнинг рўйхати» деган сўзлар «муассисларнинг (акциядорларнинг) рўйхати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **21-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** «ушбу Қонуннинг 24-моддаси талабларига жавоб берган муассисларнинг» деган сўзлардан кейин «бевосита ва билвосита эгаллик қилувчиларнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **24-модданинг саккизинчи қисми** «муассисларни» деган сўздан кейин «бевосита ва билвосита эгаллик қилувчиларни, шу жумладан охириги бенефициар мулкдорларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **31-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банклар Марказий банкнинг рухсатномаси билан қуйидаги ҳолларда чет элда шуъба банклар очиши ва филиаллар ташкил этиши, чет эл банкларининг капиталида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши мумкин, бундан микромолия банклари мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолия банкларига чет элда банклар, ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш, чет эл банкларининг капиталида, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиш тақиқланади»;

иккинчи, учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) **38-модда:**

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банклар ва банк гуруҳлари учун пруденциал нормативлар қуйидагиларни ўз ичига олади, бундан микромолия банклари мустасно»;

ўнинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилари тегишинча **ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Микромолия банклари учун пруденциал нормативлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

капиталнинг монандлиги коэффициентларини;

бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

ликвидлилик коэффициентларини;
микромолия банкининг алоқадор шахслари учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ Марказий банк томонидан белгиланадиган бошқа пруденциал нормативларни.

Микромолия банкининг устав капитали миқдори ушбу Қонун 13-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган банк устав капиталининг миқдorigа мувофиқ бўлган ҳолларда, мазкур микромолия банки ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган пруденциал нормативларга риоя этиши шарт. Бунда бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори ушбу Қонун 7-моддаси учинчи қисмининг учинчи хатбошисида белгиланган миқдордан ошмаслиги керак»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

15) **63-модданинг учинчи қисмидаги** «учинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

16) қуйидаги мазмундаги **10¹-боб** билан тўлдирилсин:

«10¹-боб. Кредит ташкилотларининг фаолиятини ўзгартириш

75¹-модда. Кредит ташкилотлари фаолиятини ўзгартиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Қуйидаги кредит ташкилотлари ўз фаолиятини ўзгартириши мумкин:

микромолия ташкилоти — микромолия банки фаолиятига;

микромолия банки — банк фаолиятига;

банк — микромолия банки фаолиятига;

микромолия банки — микромолия ташкилоти фаолиятига.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кредит ташкилотлари фаолиятини ўзгартиришнинг ўзига хос хусусиятлари Марказий банк томонидан белгиланади.

75²-модда. Микромолия ташкилоти фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш

Микромолия ташкилоти фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш орқали микромолия банкни ташкил этиш ушбу Қонунда белгиланган банк фаолиятига рухсат бериш шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Микромолия ташкилоти ўз фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш учун акциядорлик жамияти ташкилий-ҳуқуқий шаклига эга бўлиши керак.

Микромолия банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи микромолия банкни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

акциядорнинг (акциядорларнинг) микромолия ташкилоти фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш орқали микромолия банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарорини;

ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг учинчи, бешинчи — ўн тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни;

микромолия банкнинг устав капиталида чет эл банки иштирок этган тақдирда ушбу Қонун 17-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни.

Микромолия банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун ариза берувчи микромолия банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олгандан кейин олти ойдан кечиктирмай Марказий банкка ушбу Қонун 20-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни, шунингдек ушбу модданинги учинчи қисмида ва ушбу Қонун 20-моддаси биринчи қисмининг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларнинг электрон шаклдаги кўчирма нусхаларини тақдим этади.

Марказий банк томонидан микромолия банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида мазкур қарорни илова қилган ҳолда, Марказий банк микромолия ташкилоти фаолияти микромолия банки фаолиятига ўзгартирилаётганлиги муносабати билан микромолия ташкилотини Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисида давлат хизматлари марказига илтимоснома киритади.

Давлат хизматлари маркази микромолия банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги қарор олинган кундан эътиборан икки иш куни ичида микромолия ташкилоти тўғрисидаги ёзувни Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқаради ва бу ҳақда кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Марказий банкни хабардор қилади.

Марказий банк давлат хизматлари маркази томонидан микромолия ташкилоти тўғрисидаги ёзув Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестридан чиқарилган кундан эътиборан уч иш куни ичида:

микромолия ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқаради;

микромолия банкни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига микромолия ташкилоти фаолияти микромолия банки фаолиятига ўзгартирилганлиги билан боғлиқ ўзгартиришларни киритади;

ариза берувчига лицензия беради.

Лицензия берилганлиги учун қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромад олишга йўналтирилган фаолияти учун берилган кредитларнинг кредит портфелидаги улуши етмиш фоиздан кам бўлган микромолия ташкилоти фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилган микромолия

банки мазкур кредитларининг улушини ўз фаолиятини ўзгартирган кундан эътиборан икки йил ичида етмиш фоизга етказиши шарт.

75³-модда. Микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартириш

Микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартириш:

микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиш;

берилган лицензияни қайта расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи акциядор (акциядорлар) томонидан фаолиятни ўзгартириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш кун ичида Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

акциядорнинг (акциядорларнинг) микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорини;

банкнинг устави лойиҳасини;

ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг бешинчи — ўн тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни;

банк устав капиталида чет эл банки иштирок этган тақдирда ушбу Қонун 17-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун ариза берувчи микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир дастлабки рухсатнома олингандан кейин олти ойдан кечиктирмай, Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

ушбу Қонун 20-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларни;

банкнинг уставини икки нусхада;

банк жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк бинolari, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, усқуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини, банкнинг жойлашган ери ўзгарган ёки унинг биноси реконструкция қилинган тақдирда;

ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳужжатларнинг электрон шаклдаги нусхаларини.

Аризани кўриб чиқиш ва ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор этиш банкни ташкил қилишга доир дастлабки рухсатномани олиш, банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда ушбу Қонуннинг 19 ва 21-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари микромолия банки томонидан охириги олти ой давомида пруденциал нормативларга риоя этилмаганлиги микромолия банки фаолиятини банк фаолиятига ўзгартиришга доир дастлабки рухсат-

номани беришни ёки берилган лицензияни қайта расмийлаштиришни рад этиш учун асос бўлади.

Марказий банк томонидан лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Марказий банк Банкларнинг давлат реестрига микромолия банки фаолияти банк фаолиятига ўзгартирилганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувни киритади, шунингдек берилган лицензияни қайта расмийлаштиради.

75⁴-модда. Банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш

Банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш банкка берилган лицензияни қайта расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш учун ариза берувчи акциядор (акциядорлар) томонидан банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

акциядорнинг (акциядорларнинг) банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорини;

микромолия банкининг уставини икки нусхада;

акциядорлар рўйхатини;

микромолия банкининг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари тўғрисидаги уларнинг ушбу Қонуннинг 36-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни;

микромолия банки жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлиги ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини — банкнинг жойлашган ери ўзгарган ёки унинг биноси реконструкция қилинган тақдирда;

микромолия банкининг устав капиталда чет эл банки иштирок этган тақдирда ушбу Қонун 17-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни;

ушбу қисмнинг иккинчи — еттинчи хатбошиларида санаб ўтилган ҳужжатларнинг электрон шаклдаги кўчирма нусхаларини.

Аризани кўриб чиқиш ва ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор этиш банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда ушбу Қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари банк фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартиришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

банк томонидан охириги олти ой давомида пруденциал нормативларга риоя этилмаганлиги;

банкнинг тўловга қобилиятсизлиги ёки тўловга қобилиятсиз бўлиб қолиш эҳтимолининг мавжудлиги.

Марказий банк томонидан лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Марказий банк Банкларнинг давлат реестрига банк фаолияти микромолия банки фаолиятига ўзгартирилганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувни киритади, шунингдек берилган лицензияни қайта расмийлаштиради.

Ўз фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартирган банк микромолия банки учун чекланган молиявий операцияларни фаолияти ўзгаргунига қадар тузилган шартномаларни бажариш мақсадида, мазкур шартномаларнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар, бироқ фаолияти ўзгарган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддат давомида амалга оширишга ҳақли. Бунда мазкур шартномаларда мажбуриятнинг дастлабки белгиланган суммасини ва шартноманинг амал қилиш муддатини ўзгартириш тақиқланади.

75⁵-модда. Микромолия банки фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартириш

Микромолия банки фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартиришга омонатлар (депозитлар) тўлиқ қайтарилгандан ва (ёки) омонатларга (депозитларга) киритилган пул маблағларини қайтариш бўйича мажбуриятлар бошқа банкка ўтказилганидан кейин йўл қўйилади.

Микромолия банки фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартириш учун ариза берувчи микромолия банки фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банкка «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Микромолия банки фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартириш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ нобанк кредит ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Марказий банк томонидан микромолия банки фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартиришга розилик бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда, Марказий банк лицензияни чақириб олади.

Микромолия банки микромолия банкининг фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартиришга розилик бериш тўғрисидаги Марказий банкнинг қарори асосида қайта рўйхатдан ўтиш учун қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатларни давлат хизматлари марказига тақдим этади.

Давлат хизматлари маркази микромолия ташкилоти қайта рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан икки иш куни ичида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрга микромолия ташкилоти қайта рўйхатдан ўтказилганлиги билан боғлиқ ўзгартиришларни киритади.

Марказий банк Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регист-

рига ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан икки иш куни ичида микромолия банки тўғрисидаги ёзувни Банкларнинг давлат реестридан чиқаради ва микромолия ташкилотини ҳисоб рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

Микромолия банки фаолиятини ўзгартириш орқали ташкил этилган микромолия ташкилоти ҳисоб рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан икки йил ичида ўз фаолиятини микромолия ташкилотлари фаолияти учун белгиланган талабларга мувофиқлаштириши шарт»;

17) 77-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Марказий банк томонидан микромолия банки фаолиятини микромолия ташкилоти фаолиятига ўзгартиришга розилик бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда»;

тўққизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар, № 9, 958-модда) **иловаси 20-бандининг «а» кичик бандидаги** «банк устав капитали» деган сўзлар «ташкил этилаётган банк устав капитали» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда, № 9, 957, 958-моддалар) **1-иловасининг 13-позицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

13.	Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия	Банк фаолияти;	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
		микромолия банки фаолияти.	

».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелда қабул

қилинган «**Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–765-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 340-модда; 2024 йил, № 2, 114-модда, № 9, 965-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илгари ташкил этилган ёки ташкил этилаётган банкларнинг ёхуд нобанк кредит ташкилотларининг фирма номлари билан чалкаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган фирма номларидан фойдаланиш тақиқланади, бундан нобанк кредит ташкилотларининг уларни ташкил этган банкларнинг ёки акциядорларнинг улар ташкил этган банкларнинг фирма номларидан фойдаланиши, шунингдек ўз фаолиятини микромолия банки фаолиятига ўзгартирган микромолия ташкилотлари фойдаланиши мустасно»;

2) **24-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«микромолия ташкилоти фаолияти микромолия банки фаолиятига ўзгартирилганда»;

бешинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **38-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38-модда. Нобанк кредит ташкилоти фаолиятини ўзгартиришнинг, уни қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва нобанк кредит ташкилотини туғатиш»;

қуйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Микромолия ташкилоти ўз фаолиятини «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда микромолия банки фаолиятига ўзгартириши мумкин»;

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 февраль,
ЎРҚ–1026-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

56

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2025 йил
14 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 25 январда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек бўшаб қолган ўринларга сайланган фуқаролар йиғинлари раислари фаолияти кафолатларини мустаҳкамлаш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига фуқаролар йиғини раиси ваколатлари муддати уч йилдан беш йилга узайтирилишини, бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғинлари раисларининг беш йил муддатга сайланишини, шунингдек фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур Қонун фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятини ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ишини самарали ташкил этишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 9, 588, 591-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 5, 316-модда, № 10, 794-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «уч йил муддатга» деган сўзлар «беш йил муддатга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 февралда эълон қилинган.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 15 октябрда қабул қилинган «**Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида**»ги ЎРҚ–499-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 213-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда; 2024 йил, № 9, 964-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи қисмидаги** «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларнинг» деган сўзлар «маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг матнидаги** «уч йилга» деган сўзлар «беш йилга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаролар йиғини раиси сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланади. Бунда сайлов ваколатлари муддати тугаган фуқаролар йиғини раиси лавозимиغا ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раиси сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланади»;

4) **11-модда чиқариб** ташлансин;

5) **12-модданинг:**

биринчи қисми «шаҳарлар комиссиялари» деган сўزلардан кейин «(бундан буён матнда комиссиялар деб юритилади)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисмидаги «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашларининг» деган сўзлар «маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **12¹-модда** билан тўлдирилсин:

«12¹-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларининг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловига доир ҳужжатларнинг наму-

наларини, шунингдек сайлов бюллетенларининг намуналари ва шаклларини тасдиқлаш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссияларининг сайловни самарали ўтказиш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш;

фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

сайлов якунлари тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш»;

7) 13-модданинг:

номи ва **биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссияларининг ваколатлари

Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи туманлар ва шаҳарлар комиссиялари ўз ваколатлари доирасида»;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

саккизинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

саккизинчи хатбошисидаги «Республика комиссиясига» деган сўзлар «тегишинча фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **14-модданинг биринчи қисмидаги** «Фуқаролар йиғини раисининг навбатдаги сайлови» деган сўзлар «Фуқаролар йиғини раиси сайлови натижалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **21-модданинг еттинчи қисми** чиқариб ташлансин;

10) **28-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бўшаб қолган ўринларга фуқаролар йиғинлари раислари беш йил муддатга сайланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун амалга киритилгунига қадар сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ўз ваколатларини улар сайланган уч йиллик муддат тугагунига қадар амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 февраль,
ЎРҚ–1027-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**57** Ипотека кредити бозори янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
10 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 19 декабрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қаноатлантириш, ҳудудларда фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ва ипотека кредити бозорини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга аҳолининг кенг қатламлари учун бозор принципларига асосланган ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида гаров шартномаси ва гаров хати бўйича ҳуқуқларни расмийлаштириш, уларни рўйхатга олиш ва учинчи шахсларга бериш жараёнларини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Ипотека тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ипотека муносабатларига электрон гаров хатини жорий этишни, бундай гаров хати билан таъминланган мажбуриятларни бажаришни, у бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишни ва ундан фойдаланишга доир бошқа механизмларни белгилашни, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқлари ҳамда гаров хати тугатиш массасига киритилмаслигини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун ипотека бўйича гаров хатлари айланишини янада ривожлантиришга, аҳолига берилган ипотека кредитларини такрор молиялаштириш учун янги имкониятлар яратишга, ипотека кредитини беришнинг замонавий бозор тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «Ипотека тўғрисида»ги ЎРҚ–58-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 10, 671-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 10, 795-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 14-модданинг:

учинчи қисмидаги «номи ёзилган қимматли қоғоз» деган сўзлар

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 13 февралда эълон қилинган.

«номи ёзилган ноэмиссиявий қимматли қоғоз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **бешинчи — ўн тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Гаров хати ипотекага қўювчи томонидан, агар у бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор томонидан қоғоз (бундан буён матнда хужжатли гаров хати деб юритилади) ёки электрон (бундан буён матнда электрон гаров хати деб юритилади) шаклда тузилади ва рўйхатдан ўтказувчи органга юборилади.

Электрон гаров хати Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон гаров хати шаклини тўлдириш орқали расмийлаштирилади.

Гаров хати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин расмийлаштирилади.

Хужжатли гаров хати расмийлаштирилганидан кейин дастлабки ипотекага олувчига берилади.

Электрон гаров хати расмийлаштирилганидан кейин «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятига ва дастлабки ипотекага олувчига юборилади.

Хужжатли гаров хатини сақлаш ва у бўйича ҳуқуқларнинг ҳисоби ипотекага олувчи томонидан, электрон гаров хатини сақлаш ва у бўйича ҳуқуқларнинг ҳисоби эса «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти томонидан юритилади.

Ушбу Қонунда назарда тутилган хужжатли гаров хати тўғрисидаги қоидалар, агар электрон гаров хатининг моҳиятидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, электрон гаров хатига нисбатан ҳам қўлланилади.

Электрон гаров хатини бериш, сақлаш, унга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Гаров хатлари берилиши уларнинг эмиссияси ҳисобланмайди ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Гаров хати ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилгунига қадар исталган пайтда тузилиши ва ипотекага олувчига берилиши мумкин»;

2) 16-модда:

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров хатида қуйидагилар кўрсатилиши керак»;

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ипотека белгиланган кўчмас мулкнинг пулда ифодаланган қиймати»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«гаров хатининг идентификация рақами, шу жумладан электрон гаров хати учун QR-код (матрицали штрих код)»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар ва шарт-

рилишини ипотекага қўювчи учун етарли ва ҳужжатли гаров хатига келгусида эгалик қилиш эҳтимоли бўлганлар учун яққол кўриниб турадиган усулда ёки ҳужжатли гаров хатида мажбуриятнинг қисман бажарилганлиги ҳақида ёзиб қўйиш орқали тасдиқлаши шарт.

Электрон гаров хати билан таъминланган мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилган тақдирда гаров хатининг қонуний эгаси электрон гаров хати бўйича мажбурият тўлиқ ёки қисман бажарилганлиги факти тўғрисида ёзув киритиш учун «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамиятига мурожаат қилиши шарт.

Ҳужжатли гаров хатининг ипотекага олувчида туриши ёхуд гаров хатида ипотека билан таъминланган мажбурият қисман бажарилганлиги ҳақида белги ёки бошқача тарздаги тасдиқнома йўқлиги, агар ўзгача ҳол исботланмаган бўлса, бу мажбурият ёки тегишинча унинг қисми бажарилмаганлигидан далолат беради.

Қарздор ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш учун электрон гаров хатининг қонуний эгасидан «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти томонидан белгиланган тартибда берилган ва тасдиқланган гаров хати эгасининг депо ҳисобварағидан кўчирмани талаб қилишга ҳақли.

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ўз қарзини тўлиқ ҳажмда ёки гаров хати бўйича ўз мажбуриятларини гаров хатининг қонуний эгасига ёки гаров хатининг қонуний эгаси томонидан шу гаров хати бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш учун вакил қилинган шахсга қарзни узиш режасига мувофиқ бажарилиши лозим бўлган қисмини узади.

Гаров хати гаровида гаров хати нотариус депозитига топширилган тақдирда, ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор қарзни нотариус депозитига киритган ҳолда ўз мажбуриятини бажаради.

Гаров хати бўйича мажбуриятли шахс гаров хатини кўрсатувчига гаров хати бўйича унинг ҳуқуқлари амалга оширилишини рад этишга қўйидаги ҳолларда ҳақли, агар:

мазкур гаров хати бўйича ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги битимни ҳақиқий эмас деб топиш ёки бу битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилиши ҳақидаги даъво кўриб чиқиш учун суд томонидан қабул қилинган бўлса;

кўрсатилган ҳужжатли гаров хати унинг қонуний эгаси томонидан йўқотилганлиги ва ҳужжатли гаров хатининг дубликати берилганлиги муносабати билан ёхуд ҳужжатли гаров хатини ёки унинг дубликатини бериш тартиби ҳужжатли гаров хати бўйича мажбуриятли шахслар жавоб бермайдиган тарзда бузилганлиги муносабати билан ҳақиқий бўлмаса.

Агар ўзгача ҳол исботланмаган ёки ушбу Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ҳужжатли гаров хатининг у бўйича мажбуриятли шахслардан исталган бирида ёки рўйхатдан ўтказувчи органда турганлиги ипотека билан таъминланган мажбурият бажарилганлигидан далолат беради. Ҳужжатли гаров хати қайси шахснинг эгалигига ўтиб қолса, ўша шахс гаров хатининг бошқа мажбуриятли шахсларини бу ҳақда дарҳол ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ушбу Қонунга мувофиқ ҳужжатли гаров хати бекор қилинган ҳолларда, рўйхатдан ўтказувчи орган ҳужжатли гаров хатини олиши билан дарҳол унинг юз тарафига «қарз узилган» деган муҳрни босиш орқали ёки ҳужжатли гаров хатининг муомалада бўлиши имкониятига йўл қўйилмайдиган бошқача тарзда уни бекор қилади, бундан ҳужжатли гаров хатини йўқ қилиш мустасно»;

6) 21-модда:

номидаги «гаров хати» деган сўзлар «**ҳужжатли гаров хати**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «гаров хати» деган сўзлар «ҳужжатли гаров хати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «гаров хатининг» деган сўзлар «ҳужжатли гаров хатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «гаров хатининг» деган сўзлар «ҳужжатли гаров хатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳужжатли гаров хатининг дубликати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳужжатли гаров хатини йўқотган шахсга топшириш орқали берилади.

Ҳужжатли гаров хатининг дубликати йўқолган ҳужжатли гаров хатига тўлиқ мувофиқ бўлиши керак.

Ҳужжатли гаров хатининг дубликати йўқолган гаров хатига мувофиқ эмаслиги муносабати билан юзага келган зарарлар учун жавобгарлик рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасида бўлади. Агар бу номувофиқлик учун ҳужжатли гаров хати бўйича мажбуриятли шахслар жавобгар бўлса, улар ҳужжатли гаров хати дубликати қонуний эгасининг ушбу ҳужжатли гаров хати бўйича ҳуқуқларни амалга оширишини мазкур номувофиқлик муносабати билан рад этишга ҳақли эмас»;

7) 34-модда:

учинчи қисмидаги «Гаров хати» деган сўзлар «Ҳужжатли гаров хати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров хатининг янги эгаси тўғрисидаги белги ҳужжатли гаров хатида кўрсатилган ипотекага олувчи томонидан, агар бу биринчи ёзув бўлмаса, олдинги белгида кўрсатилган ҳужжатли гаров хатининг эгаси томонидан имзоланиши керак»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Электрон гаров хатлари бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш депо ҳисобварағига тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади. Электрон гаров хатига доир ҳуқуқлар олувчининг депо ҳисобварағига тегишли ёзув киритилган пайтдан эътиборан унга ўтади ва депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади»;

бешинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча **олтинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хужжатли гаров хатининг эгаси, агар унинг хужжатли гаров хатига бўлган ҳуқуқлари гаров хати бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказишга доир битимга ҳамда хужжатли гаров хатига унинг олдинги эгаси киритган охириги белгига асосланса, у хужжатли гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланади. Агар хужжатли гаров хати гаровга ўтказишга доир махсус ёзувларни киритган бирон-бир шахснинг эгалигидан ўғирланиши натижасида ёки бу шахснинг хоҳиш-иродасидан ташқари бошқача тарзда чиқиб кетган, хужжатли гаров хатининг эгаси унга эга бўлаётганда бунини билганлиги ёки билиши лозим ҳам бўлганлиги исботланган бўлса, у гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланмайди»;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Электрон гаров хати берилган тақдирда, электрон гаров хатининг эгаси, агар унинг гаров хатига бўлган ҳуқуқлари депо ҳисобварағи бўйича ёзув билан тасдиқланган бўлса, у электрон гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланади»;

ўнинчи ва ўн биринчи қисмлари тегишинча **ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) 35-модданинг:

биринчи қисми «ўтказиш орқали» деган сўзлардан кейин «ёки ўтказмасдан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров хатини гаровга олиш тўғрисидаги шартномада тарафлар гаровга олувчининг муайян муддат ўтганидан кейин гаров хатини сотиб, тушган пулдан унинг гарови билан таъминланган мажбурият суммасини ушлаб қолиш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин. Бу ҳолда ушбу ҳуқуқ гаров хатидаги гаров нарчасини ўтказиш тўғрисидаги махсус ёзувда назарда тутилган бўлиши керак».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар; 2022 йил, № 3, 217-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модданинг қирқинчи хатбошисидаги** «эмиссиявий» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **6-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган шартлар ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди»;

иккинчи, учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **39-модда биринчи қисмининг ўн тўртинчи хатбошисидаги** «эмиссиявий» деган сўз чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–763-сонли «**Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда, № 8, 823-модда) **146-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** «гаров нарсаи» деган сўзлардан кейин «шу жумладан гаровга берилган талаб қилиш ҳуқуқлари ҳамда гаров хатлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 12 февраль,
ЎРҚ–1028-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ**58** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
15 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2025 йил 25 январда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳамда рақамлаштириш орқали фуқароларга қўшимча қулайликлар яратилаётганлиги ва маъмурий ислохотлар доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари қайта ташкил этилганлиги муносабати билан қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат мажмуида электрон шаклдаги меҳнат шартномасини расмийлаштириш тартибини жорий этишни, иш ҳақи сақланмайдиган таътил давомийлигини белгилаш тартибини ва ходимнинг ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартибини ўзгартиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ходимлар кечки ёки сиртки таълим шаклида ўқиши мумкин бўлган таълим ташкилотларининг турларини аниқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Шунингдек ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги сабабли ходимни ишдан бўшатишга тақиқ жорий этилмоқда.

Шунингдек ушбу Қонун билан киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахснинг паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига, меҳнат дафтарчасига оид маълумотларни мустақил равишда, шу жумладан ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олади.

Ушбу Қонун фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари таъминланишига, меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг электрон тизимга ўтишини таъминлашга, шунингдек давлат органлари ва ташкилотларига ишга кираётган фуқаролардан ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш ҳолларини бартараф этишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Респуб-**

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 14 февралда эълон қилинган.

ликасининг Меҳнат кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда, № 7, 627-модда, № 9, 964-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 11-модда:

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчиларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги давлат муассасаларига (дипломатик, консуллик муассасаларига ва бошқа муассасаларга) ишга юборилган ходимларга ва муқобил хизматни ўтаётган шахсларга нисбатан қонунларда назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда татбиқ этилади»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат фуқаролик хизматчиларининг меҳнатга оид муносабатларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинмаган қисми бўйича татбиқ этилади»;

еттинчи — ўн учинчи қисмлари тегишинча **саккизинчи — ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 27-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «шартнома» деган сўз «меҳнат шартномаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 29-модда:

иккинчи қисмининг ўзбекча матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат грантлари бўйича таълим олган олий таълим ташкилотларининг битирувчилари билан якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар уларни олий таълим ташкилотининг тақсимот комиссияси томонидан берилган ишга юбориш йўлланмаси натижасида, меҳнат шартномаси асосида юзага келади»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муқобил хизматга чақирилган фуқароларнинг якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлари уларни туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг муқобил хизматни ўташ жойини тайинлаш тўғрисидаги кўрсатмасига асосан ташкилотларга юборилиши натижасида, меҳнат шартномасига асосан юзага келади»;

4) 39-модданинг иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 51-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 79-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **83-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **88-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **92-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **93-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **106-модда:**

биринчи қисми «ёзма» деган сўздан кейин «(қоғозда ёки электрон)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Электрон шаклдаги меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат мажмуида расмийлаштирилади»;

иккинчи — олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи — еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

12) **107-модда иккинчи қисмининг:**

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошисидаги «(мавжуд бўлганда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **118-модданинг иккинчи қисмидаги** «касб-хунар таълим ташкилотларининг, касб-хунар мактабларининг, коллежлар ва техникумларнинг» деган сўзлар «профессионал таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **123-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **124-модда:**

биринчи қисми:

бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «касб-ҳунар таълим» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан алмаштирилсин:

«жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ҳамда учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

16) **164-модда иккинчи қисми учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «таркибий» деган сўз чиқариб ташлансин;

17) **168-модда биринчи қисмининг 7-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **218-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «давлат ходимларининг» деган сўзлар «ходимларнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) **229-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ушбу Кодекс 233-моддасининг иккинчи қисмига» деган сўзлар «ушбу Кодекс 233-моддасининг учинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **233-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳар йилги меҳнат таътили вақти учун ҳақ тўлашда яқшанба куни инобатга олинмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

21) **234-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Пулли компенсация тўлашда яқшанба куни инобатга олинмайди»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

22) **241-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимнинг ёзма аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак»;

23) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «Ижтимоий-меҳнат масала-

лари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда» деган сўзлар «инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳамда Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 257-модданинг:

биринчи қисми «Ушбу Кодексда» деган сўзлардан кейин «ва қонунчиликда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмидаги «амалга оширилган тўловларнинг барча турлари» деган сўзлар «тўланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнатга ҳақ тўлашнинг барча тизимларидаги ходимларнинг ўртача иш ҳақи ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қоладиган ойдан олдинги ўн икки календарь ой учун ходимга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида белгиланади»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

еттинчи қисмидаги «еттинчи қисмига» деган сўзлар «тўртинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 259-модданинг иккинчи қисмидаги «унинг штатдаги ўринбосари» деган сўзлар «штатдаги унинг ўрнини босадиган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 273-модданинг тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 278-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) 313-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш берувчи ходимдан интизомий жазо чораси қўлланилгунига қадар, шу жумладан агар интизомий қилмиш хизмат текшируви натижаларига кўра аниқланган бўлса, ёзма тушунтиришни талаб қилиши шарт»;

29) 343-модданинг ўнинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 383-модда тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал» деган сўз билан алмаштирилсин;

31) 385-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида кечки ёки сиртқи таълим шакли бўйича ўқиётган ходимларга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда лаборатория-имтиҳон сессияларида иштирок этган давр учун ўқув таътиллари:

биринчи ва иккинчи курсларда кечки таълим шаклида ўқиётганлар учун олий таълим ташкилотларида — камида йигирма календарь кун, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида — камида ўн календарь кун, олий, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларидаги сиртқи таълим шакли бўйича эса — камида ўттиз календарь кун;

учинчи ва ундан юқори курсларда кечки таълим шаклида ўқиётганлар учун олий таълим ташкилотларида — камида ўттиз календарь кун, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларида — камида йигирма календарь кун, олий, ўрта профессионал ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотларидаги сиртқи таълим шакли бўйича эса — камида қирқ календарь кун муддатга ҳар йили берилади»;

32) **392-модданинг номи ва биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«392-модда. Ҳомиладорлиги ёки фарзандлари борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этишни, ишдан бўшатишни ёки иш ҳақини камайтиришни тақиқлаш

Ҳомиладорлиги ёки фарзандлари борлиги билан боғлиқ сабабга кўра ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ёки иш ҳақини камайтириш тақиқланади»;

33) **393-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) **402-модданинг биринчи қисмидаги** «камида ўн тўрт календарь кун» деган сўзлар «ўн тўрт календарь кунгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35) **412-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **416-модда учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «касб-хунар таълими» деган сўзлар «профессионал таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

37) **417-модда биринчи қисмининг ўзбекча матни** «хизмат сафари-

га юбориш» деган сўзлардан кейин «иш вақтидан ташқари ишларга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

38) **433-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидаги ҳолларда ўриндошлик асосида ишлашга йўл қўйилмайди:

ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга;

агар ўриндошнинг асосий иши ноқулай меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлса шундай шароитлардаги ишларда ишлашга (бундан соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари ходимлари мустасно);

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда»;

39) **434-модда:**

биринчи қисмининг:

учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотлари ишга қабул қилиш чоғида ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи ҳамда тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан ахборот тизимларидаги идоралараро интеграциялашув платформалари орқали сўраб олади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

40) **436-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) **437-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **445-модданинг олтинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **503-модданинг ўн бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) **525-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

45) **534-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Рес-

публикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

46) **535-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«535-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси (бундан буён матнда Давлат меҳнат инспекцияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг таркибий бўлинмаси бўлиб, у иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, аҳолининг бандлиги, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ҳамда меҳнат стандартлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ва текширувини амалга оширади»;

47) **559-модданинг 1-бандидаги** «касаба уюшмаси қўмитаси» деган сўзлар «касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48) **576-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49) **577-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солиш бўйича давлат органларидир»;

учинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги»;

тўртинчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 13 февраль,
ЎРҚ–1030-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

59 Таҳлилий ва тадқиқотчилик фаолиятини ташкил қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 31 декабрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш соҳаларидаги стратегик таҳлил ва тадқиқот қилиш фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–467-сон қарори ижросини самарали ташкил этиш ҳамда мамлакатда таҳлил ва тадқиқот фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Таҳлилий ва тадқиқот тузилмалари фаолиятини ташкил қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) ҳузурида алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасида алоҳида очилган ҳисобрақамларда жамланади ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланган тартибда сарфланади.

3. Белгилансинки:

а) қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 25 миллион АҚШ доллари миқдоридagi бир марталик беғараз тўлови;

халқаро, хорижий ва маҳаллий ташкилотларнинг грантлари ва ҳомийлик маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолият йўналишлари бўйича тадқиқотларни амалга ошириш;

таҳлилий материалларни тайёрлаш ва тадқиқотларни ўтказиш учун грантлар ажратиш;

экспертлик, тадқиқотга оид ва бошқа хизматларни кўрсатувчи маҳаллий ва хорижий жисмоний ва юридик шахслар хизмат ҳақи учун тўловларни амалга ошириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 февралда эълон қилинган.

таҳлил ва тадқиқот йўналишида тузилган вақтинчалик лойиҳа гуруҳлари фаолиятини молиялаштириш;

ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш;

таҳлилчилар ва мутахассисларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш;

нашрлар, адабиётлар, маълумотлар базалари ва тадқиқотлар натижаларини тайёрлаш ва харид қилиш ҳамда уларга обунга бўлиш;

илмий-тадқиқот соҳасидаги конференциялар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш ҳамда уларнинг ишида иштирок этиш харажатларини тўлаш;

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа харажатларни қоплаш.

Жамғарма маблағлари мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назорат Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан амалга оширилади.

4. Жамғарманинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Мувофиқлаштирувчи кенгашга қуйидагиларга рухсат берилсин:

Жамғарма маблағларини миллий ва хорижий валюталарда банк депозитларига жойлаштириш;

грантлар ва беғараз техник кўмак воситаларини жалб қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларга тўлов асосида тадқиқотлар натижалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш ҳамда тадбирларда иштирок этиш имкониятларини бериш.

5. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (С. Умурзаков) бир ой муддатда Жамғарма маблағларини бошқариш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 10 февраль,
ПҚ–48-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**60** Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда устувор ижтимоий, инфратузилма ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яшил иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни танлаб олиш, лойиҳаолди ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ва баҳолаш, лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, мониторинг ва постмониторинг тизимларини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. 2025 йилда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қуйидаги мақсадли кўрсаткичлар белгилансин:

давлат кафолати остида жалб қилинадиган кредитлар ҳисобидан 5,26 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни ўзлаштириш;

кафолатланмаган кредитлар ҳисобидан 2,76 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни ўзлаштириш;

6,17 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиш.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда — ХМИ/ХХМТ) иштирокидаги инвестиция лойиҳалари билан ишлаш бўйича Фавқулодда штаб 1-иловага** мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий штаблари 1.1-иловага** мувофиқ ташкил этилсин.

Фавқулодда штабнинг вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

амалга оширилаётган лойиҳаларни (давлат кафолати остида ва давлат кафолатисиз) жадаллаштириш;

тендер натижаларига кўра лойиҳалар доирасида иқтисод қилинган маблағларни самарали ишлатиш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш;

лойиҳалар доирасида маҳаллий контентни оширишга қаратилган манзилли ишларни ташкил қилиш;

ХМИ/ХХМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакиллари иштирокида лойиҳалар амалга оширилиши масалаларини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш ва уларнинг ҳудудларга ташрифларини ташкил этиш;

бажарилаётган ишларни қатъий назоратга олиш ва доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бориш.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 12 февралда эълон қилинган.

** 1-1.1-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. 2025 йилда Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳалар доирасида 1,1 миллиард АҚШ доллари (шундан 660 миллион АҚШ доллари давлат кафолатисиз), Ислом тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳалар доирасида 1 миллиард АҚШ доллари (шундан 630 миллион АҚШ доллари давлат кафолатисиз) ўзлаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда бошқа ХМИ/ХХМТ вакиллари иштирокида ҳар йили 1 сентябрга қадар жойига чиққан ҳолда туман (шаҳар)лар кесимида 5 миллион АҚШ долларидан ва вилоятлар кесимида 50 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган (давлат кафолати остида ва давлат кафолатисиз) лойиҳалар портфелини шакллантириш тизимини йўлга қўйсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш тўғрисидаги молиявий (қарз, кредит) битимлар давлат ташқи қарзи учун белгиланган йиллик чекланган миқдорларга ва Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига мувофиқ ушбу қарорда белгиланган тартибда тузилади;

давлат ташқи қарзини жалб қилиш режалаштирилаётган янги инвестиция лойиҳалари рўйхатига фақат ушбу қарорда белгиланган тартибда лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари ишлаб чиқилган лойиҳалар киритилади;

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган ХМИ/ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича молиявий (қарз, кредит, ташқи бегараз кўмак) битимлар юзасидан ҳуқуқий хулосаларни Ҳукуматнинг алоҳида қарорини қабул қилмасдан тақдим этади;

давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича молиявий (қарз, кредит) битимлар, қайта кредитлаш тўғрисидаги битимлар ва ташқи қарз жалб этиш доирасидаги бошқа битимларни имзолаш ваколати Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан берилади;

Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ХМИ/ХХМТга лойиҳани молиялаштириш ёки унга ўзгартириш киритиш бўйича тегишли сўровнома Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ёки тегишли ХМИда Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланган бошқарувчи ёхуд унинг ўринбосари томонидан юборилади.

Бунда концепцияси тасдиқланмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун ХМИ/ХХМТга сўровнома Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда юборилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ҳамда бошқа ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида:

а) ХМИ/ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳалари вазирлик ва идо-

раларнинг тасдиқланган ривожлантириш стратегиялари асосида ишлаб чиқилади;

б) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вазирлик ва идоралар томонидан таклиф этилган лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қўшма хулосасини кўриб чиқиш учун ўн беш иш куни муддатида Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) киритади;

в) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг лойиҳани баҳолаш ҳужжати бўйича ижобий хулосалари Ҳукумат комиссияси томонидан лойиҳани навбатдаги йил учун Инвестиция дастурининг давлат ташқи қарзини жалб этиш режалаштирилаётган инвестиция лойиҳалари рўйхатига киритиш учун асос бўлади.

Бунда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликларидан бири ижобий хулоса тақдим қилмаган ҳолларда, лойиҳани ижро этувчи вазирлик ва идора (кейинги ўринларда — Лойиҳани ижро этувчи агентлик) томонидан Ҳукумат комиссиясига ахборот берилади;

г) Ҳукумат комиссияси томонидан маъқуллаган лойиҳалар бўйича лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари Лойиҳани ижро этувчи агентликлар томонидан ишлаб чиқилади;

д) давлат ташқи қарзи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ва лойиҳа концепцияси тасдиқланган лойиҳаларнинг лойиҳани баҳолаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

е) Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Лойиҳани ижро этувчи агентликларнинг баҳолаш гуруҳлари тасдиқлаган харидларнинг баҳолаш ҳужжатлари тендер техник топшириғига ва тегишли ХМИ/ХХМТнинг харид тартиб-таомилларига мувофиқлиги юзасидан танланма текширувни доимий равишда амалга ошириб боради.

6. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, мониторинг ва постмониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки, ХМИ/ХХМТ маблағларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳаларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва самарали бажариш, шу жумладан, харидлар ва шартномаларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда лойиҳаларнинг мақсадли натижаларига эришишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик Лойиҳани ижро этувчи агентликлар ва ҳудуд раҳбарларига юкланади.

8. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларини тузиш амалиётини 2025 йил 1 мартдан бошлаб босқичма-босқич тугатиш ва лойиҳаларнинг са-

марали амалга оширилишини таъминлаш бўйича барча функцияларни Лойиҳани ижро этувчи агентликларнинг тегишли бўлинмаларига юклаш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

9. Лойиҳани ижро этувчи агентликларга лойиҳадан кўзланган натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида ушбу қарорда ҳамда ХМИ/ХХМТ билан тузилган тегишли молиявий битимларда белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш ва шартномаларни бошқариш учун маҳаллий ва халқаро экспертларни, шу жумладан, ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этишга рухсат берилсин.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги марказий аппарати тузилмасида ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорлик масалаларига масъул вазирнинг ўринбосари лавозими киритилсин.

11. Белгилансинки, харидлар қатнашчиларининг таклифларини баҳолаш мақсадида Лойиҳани ижро этувчи агентлик раҳбарининг буйруғига мувофиқ баҳолаш гуруҳи тузилади ва унинг таркибига мажбурий тарзда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вакиллари ва қоидага кўра, лойиҳа доирасида жалб этилган харидлар бўйича халқаро ва (ёки) маҳаллий маслаҳатчи киритилиши лозим.

12. Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил якунига қадар давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатисиз бозор шартларида молиялаштиришни назарда тутган ҳолда, ҳар бир корхонанинг беш йиллик ривожланиш стратегиялари ишлаб чиқилишини таъминласин.

13. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

ХМИ/ХХМТлар ва Лойиҳани ижро этувчи агентликлар билан биргаликда лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича доимий ўқув курсларини ташкил этсин;

2025 йил 1 июнга қадар Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимини белгиланган тартибда ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиб, ХМИ/ХХМТ томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар доирасида электрон харидларни амалга ошириш бўйича махсус ахборот порталини ишга туширсин ҳамда рақамли харид тартиб-қоидаларига ўтилишини таъминласин;

давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар (лойиҳа қиймати, қарз миқдори, шартлари ва лойиҳа мақсадлари), тендерларнинг натижалари тўғрисидаги Лойиҳани ижро этувчи агентликларнинг маълумотлари вазирликнинг махсус ахборот порталида жойлаштирилишини таъминлаб борсин;

Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар билан боғлиқ ташкилий-бошқарув жараёнларни такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда вазирлик ва идоралар ҳузурида ташкил этилган илмий-техник кенгашлар фаолиятини тартибга солиш бўйича регламент ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбари илмий-техник кенгашлар раҳбари этиб белгиланиши назарда тутилсин.

14. Белгилансинки, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун лойиҳаларни (дастурлар) амалга ошириш бўйича музокараларда қатнашиш учун Ҳукумат делегацияси таркибини шакллантириш, музокара ўтказиш, маблағларни жалб этиш бўйича масъул ҳисобланади. Бунда, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вакили мажбурий тарзда делегация таркибига киритилади.

15. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро молия институтларидаги бошқарувчилари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан Халқаро молия институтларидаги бошқарувчи идораси вазифалари юкланган вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

17. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

бир ой муддатда харид ҳужжатларидан фойдаланиш ҳамда шартномаларни рўйхатга олиш тартибларини ишлаб чиқиб белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритсин;

уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Ходжаев ва Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 11 февраль,
ПҚ-51-сон

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 11 февралдаги
ПҚ–51-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш, мониторинг ва постмониторинг қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида ёки Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан жалб этиладиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — ХМИ/ХХМТ) қарзлари (кредитлари) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

халқаро молия институтлари (ХМИ) — Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган ҳамда давлатлараро битимлар асосида ташкил этилган молиявий ва иқтисодий ташкилотлар;

хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (ХХМТ) — хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, шу жумладан, давлат банклари ва ривожланиш жамғармалари ҳамда экспорт-импорт агентликлари ва хорижий тижорат банклари;

Тармоқ илмий-техник кенгаши (ТИТК) — ижро этувчи агентликнинг лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳоловчи коллегиял органи. Агар ТИТК бўлмаса, унинг функциялари ушбу Низомга мувофиқ ижро этувчи агентлик томонидан ташкил этилган коллегиял орган томонидан амалга оширилади;

имзоловчи — ХМИ/ХХМТ билан молиявий ёки қарз битим имзолашга ваколатли вазирлик, идора ёки ташкилотларнинг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари;

ҳамкорлик стратегияси (дастури) — ҳамкорлик, молиялаштириш ва қўллаб-қувватлашнинг асосий устувор йўналишларини ўз ичига олган, муайян давр учун Ўзбекистон Республикасининг ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини белгиловчи ХМИ/ХХМТ дастури;

битимлар — Ўзбекистон Республикаси/Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида ХМИ/ХХМТ билан имзоланадиган қарз (молия) ва лойиҳа битимлари, шунингдек, қайта кредитлаш тўғрисидаги битимлар, молиявий келишувлар, субсидияр битимлар, ташқи беғараз кўмак битимлари, ҳуқуқ ва талабларни топшириш тўғрисидаги битимлар;

лойиҳани тайёрлаш учун аванс — ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш учун тақдим этилган ХМИ/ХХМТ қарз маблағлари;

харид агенти — ХМИ/ХХМТ харид тамойиллари ва қоидаларига мувофиқ харидларни амалга оширишга ихтисослашган компания (ташкилот). Харид агентлари танлов усуллари, ХМИ/ХХМТ харид тамойиллари ва қоидаларига мувофиқ танланиши мумкин;

лойиҳани баҳолаш ҳужжати (ЛБХ) — техник, иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий, операцион, институционал параметрлар ва мақсадли натижаларни баҳоловчи, ХМИ/ХХМТ методологияси асосида тайёрланган ҳамда ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳанинг прогноз параметрларини белгиловчи лойиҳаолди ҳужжат;

қарз музокаралари — Ўзбекистон Республикасининг ваколатли вакиллари ва ХМИ/ХХМТ ўртасида молиявий ҳамда лойиҳа битимлари лойиҳалари, ХМИ/ХХМТ томонидан тақдим этиладиган молиялаштириш шартлари ва ЛБХ келишиладиган музокаралар;

харид қилиш режаси — сотиб олинadиган шартнома пакетларининг қисқача тавсифи, қўллаш назарда тутилган харид қилиш усуллари рўйхати, харажатлар сметалари, ишларни бажариш жадваллари. Лойиҳа бўйича хариднинг дастлабки режаси лойиҳани амалга оширишнинг камида дастлабки ўн саккиз ойини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши ва қарз музокаралари давомида ХМИ/ХХМТ билан келишилган бўлиши ва зарур ҳолларда, ҳуқуқат ва ХМИ/ХХМТ ўртасидаги молиялаштириш шартномаларига мувофиқ янгиланиши керак;

харидлар — бу харидга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан бошланадиган ва харид режасини ишлаб чиқиш, унинг ўзига хос хусусиятларини (талабларни) белгилаш, лойиҳа учун ажратилган маблағлар ҳажмини кўриб чиқиш, иштирокчини танлаш, ғолиб иштирокчи билан шартнома тузиш ва шартномани бошқариш билан давом этадиган товарлар, ишлар ва хизматларни олиш учун олдиндан харидларни ўз ичига олган жараён. Кафолат муддатининг охириги санаси харид жараёни тугаган сана ҳисобланади;

олдиндан харид — ХМИ/ХХМТ билан молиялаштириш тўғрисидаги битим имзолангунга қадар товарлар, ишлар ва (ёки) хизматларни етказиб берувчиларни танлаш учун амалга ошириладиган харидлар;

ижро этувчи агентлик — ХМИ/ХХМТ иштирокида лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органлари, бюджет ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар;

лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) — ижро этувчи агентлик томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ХМИ/ХХМТ билан тузилган битимлар шартларига мувофиқ лойиҳани амалга ошириш учун ташкил этиладиган бўлинма (ташкилот);

Ҳуқуқат комиссияси — Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳуқуқат комиссияси;

ХМИ/ХХМТ харид тамойиллари ва қоидалари — лойиҳа доирасида ишлар, товарлар ва хизматлар харидини ташкил этиш ва амалга ошириш

учун ХМИ/ХХМТ қоидалари ва талаблари кўрсатилган, ХМИ/ХХМТ томонидан тасдиқланган принциплар ва қоидалар тўплами;

лойиха ҳужжатлари — лойиханинг тасдиқланган баҳоловчи ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган меъморий, қурилиш ва шаҳарсозлик, техник ечимлар ва қурилишнинг тахминий нарҳини ўз ичига олган ҳужжатлар;

ретроактив молиялаштириш — қарз олувчи (ижро этувчи агентлик), Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолларда) ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қарз битими кучга киргунга қадар амалга оширилган ва ХМИ/ХХМТ билан келишилган харажатларни қоплаш воситаси. Ретроактив молиялаштиришни талаб қиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар ХМИ/ХХМТ харид сиёсати ва тартиб-қоидаларига мувофиқ харид қилиниши керак;

лойихани бошқариш қўлланмаси (ЛБҚ) — лойихани амалга ошириш қоидалари, усуллари, тавсиялари ва тартибларини белгилайдиган ҳужжат, шу жумладан:

лойиханинг батафсил тавсифи ва уни амалга ошириш тартиби;

лойихани мониторинг қилиш, баҳолаш, ҳисобот бериш ва бошқариш тартиблари;

лойиха доирасида маблағ ажратиш, молиявий бошқарув, аудит ва харидларни амалга ошириш тартиби;

техник ёрдам — ХМИ/ХХМТ ёки бошқа донорлар томонидан тажриба-қурилиш ишлари, илмий ёки бошқа тадқиқотлар ўтказиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш, асбоб-ускуналар ва технологияларни харид қилиш ва бошқа мақсадлар учун товарлар, ишлар, хизматлар ва (ёки) молиявий кўринишида тақдим этиладиган мақсадли грант маблағлари;

эслатма ёзуви, меморандум ва баённома — ХМИ/ХХМТ томонидан тайёргарлик ва баҳолаш миссиялари якунлари бўйича тайёрланган ҳужжатлар;

фавқулудда вазият — кенг кўламда инсоний, моддий, иқтисодий ва экологик йўқотишларга олиб келувчи потенциал табиий ҳодисалар, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги фавқулудда вазиятлар, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, можародан кейинги вазиятлар билан боғлиқ кутилмаган ҳолатлар.

2-боб. ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорлик стратегияларини (дастурларини) шакллантириш тартиби

3. Ҳамкорлик стратегиялари (дастурлари) Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ХМИ/ХХМТ томонидан қабул қилинади ҳамда ислохотларнинг устувор йўналишларини ҳамда ижтимоий сектор, инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий рақобатбардошлиқни ошириш ва экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қамраб олади.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ХМИ/ХХМТ билан ҳам-

корлик стратегиялари ва инвестиция дастурлари бўйича ташаббус билдириш, тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш жараёнида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун жавоб беради.

5. Ижро этувчи агентликлар Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига ҳар йили 1 мартдан кечиктирмасдан ХМИ/ХХМТ билан биргаликда ҳамкорлик стратегиялари (дастурлари) доирасида ишлаб чиқиладиган, имзоланган, амалга ошириладиган ва амалга оширилган лойиҳалар ҳолати тўғрисидаги жамланма ҳисоботни ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгар ҳисобланади.

6. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги 15 апрелга қадар тақдим қилинган ҳисоботлар асосида лойиҳалар доирасида комплекс ўрганиш ўтказиши ва тизимли муаммолар ҳамда лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан тегишли таклифларни Ҳукумат комиссиясига қарор қабул қилиш учун киритади.

7. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вазирлик ва идоралар талабига биноан ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорлик стратегияларига (дастурларига) киритиш ва муҳокама қилиш учун ишлаб чиқиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхатини шакллантиради.

3-боб. ХМИ/ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш тартиби

8. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш ва амалга ошириш ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

Бунда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазирлик ва идоранинг тасдиқланган ривожлантириш стратегияси асосида амалга оширилади.

9. Ҳар йили 1 майга қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тараққиёт ва амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи миллий стратегияда белгиланган устувор мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, келгуси уч йилга давлат ташқи қарзи ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йиллик лимитлар бўйича прогнозлар ва устувор йўналишларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тақдим этади.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги тегишли вазирлик ва идораларга лойиҳа концепцияларини тақдим этиш бўйича сўровни ҳар йили 5 майга қадар юборади.

11. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳар йили 15 августга қадар йиллик лимитлар бўйича прогнозлар ва устувор йўналишлар доирасида тегишли вазирлик ва идоралардан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ лойиҳа концепциясининг (дастлабки лойиҳани баҳоловчи ҳужжатлар) тузилишига кўра лойиҳа концепцияларини қабул қилади. Келиб тушган лойиҳа концепциялари вазирликнинг расмий веб-саҳифасида эълон қилинади ва ўн кун давомида жамоатчилик муҳокамаси ўтказилади.

12. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги лойиҳа концепцияларини биргаликда жамоатчилик муҳока-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

масида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқиб, ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ лойиҳа концепцияларини устуворлик бўйича баҳолаш мезонларига асосан жамланма лойиҳалар рўйхатини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ҳукумат комиссиясига ҳар йили 30 сентябргача қўшма хулосаси орқали тақдим этади. Бунда:

лойиҳаларнинг умумий қиймати уч йиллик прогноз лимитлар ҳажмидан ошмайди;

лойиҳаларнинг тараққиёт ва амалга оширилаётган ислохотлар асосий йўналишларини белгилаб берувчи миллий стратегияда белгиланган мақсадларга мослиги, лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги белгиланади.

13. Амалга ошириш учун тақлиф этилаётган ва истиқболли лойиҳаларнинг жамланма рўйхати Ҳукумат комиссияси томонидан ҳар йили 1 декабрга қадар тасдиқланади.

Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган лойиҳаларнинг жамланма рўйхати навбатдаги Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхатини акс этувчи иловасига киритилади.

Жамланма рўйхатга киритилган инвестиция лойиҳалари бўйича ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ лойиҳани баҳолаш ҳужжати тузилишига асосан ягона ЛБҲ ишлаб чиқилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар дастурига киритилган давлат қарзи ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатига ўзгартиришлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги қўшма хулосаси асосида Ҳукумат комиссияси томонидан киритилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги қўшма хулосаси мавжуд бўлмаган лойиҳаларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар дастурига киритишга йўл қўйилмайди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликларидан бири ижобий хулоса тақдим қилмаган ҳолларда, ижро этувчи агентлик томонидан Ҳукумат комиссиясига ахборот берилади.

15. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ёки тегишли ХМИда Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланган бошқарувчи ёки унинг ўринбосари Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган амалга ошириш учун тақлиф этилаётган ва истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш учун ХМИ/ХХМТга сўровнома юборади.

Концепцияси тасдиқланмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун ХМИ/ХХМТга сўровнома Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда юборилади.

16. ЛБҲ ишлаб чиқиш мақсадида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ижро этувчи агентлик билан биргаликда ХМИ/ХХМТ тайёргарлик ва баҳолаш миссияларини ташкил этиш учун жавобгар ҳисобланади.

Тайёргарлик ва баҳолаш миссиялари доирасида ижро этувчи агентлик ХМИ/ХХМТ талабига биноан керакли маълумотлар тақдим этилишини таъ-

минлайди. Агар сўралган маълумотлар махфий бўлса, ижро этувчи агентлик ХМИ/ХХМТ билан махфийлик шартномасини имзолайди.

Ижро этувчи агентлик раҳбари ёки унинг ваколатли вакили инвестиция лойиҳаси доирасида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вакиллари билан биргаликда барча ХМИ/ХХМТ миссияларида мажбурий тарзда қатнашади, миссиялар якунлари бўйича тайёрланган ҳужжатлар юзасидан ўз хулосалари ва тавсияларини (эслатма ёзуви, меморандум, баённома) уч иш куни ичида тақдим этади.

ХМИ/ХХМТ томонидан тайёргарлик ва баҳолаш миссиялари якунлари бўйича тайёрланган ҳужжатларга (эслатма ёзуви, меморандум, баённома) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан шарҳлар тақдим этилмаган ҳолларда, ушбу ҳужжатлар ўн иш кунидан кейин тасдиқланган (қабул қилинган) ҳисобланади.

17. ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларнинг тайёрланиши, баҳоланиши ва амалга оширилиши устидан назорат ижро этувчи агентлик раҳбари, зарурат бўлганда манфаатдор вазирликлар, идоралар, ТИТК, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари экспертларини жалб этган ҳолда амалга оширилади.

ЛБХда қайд қилинган техник-технологик ечимлар ва қиймат параметрлари бўйича ижро этувчи агентлиги, ТИТК ва лойиҳани ишлаб чиқишда қатнашаётган лойиҳа институти жавобгар ҳисобланади.

18. Лойиҳани тайёрлаш ХМИ/ХХМТнинг ташқи беғараз кўмак маблағлари, аванс қарз маблағлари, ижро этувчи агентликнинг ўз маблағлари, шунингдек, ушбу мақсадлар учун назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Агар ХМИ/ХХМТ лойиҳани тайёрлаш учун техник ёрдам маблағларини ажратса, ижро этувчи агентлик техник ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни ёки ХМИ/ХХМТ қоидалари ва тартибларида назарда тутилган бошқа шунга ўхшаш ҳужжатни имзолайди ва ҳужжат нусхаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига рўйхатга олиш учун юборилади.

Ижро этувчи агентликлар лойиҳани тайёрлаш учун аванс ёки ретроактив молиялаштириш усулини танлаган ҳолда рухсат этилган харажатлар қиймати ва рўйхати ХМИ/ХХМТ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан келишилади. ХМИ/ХХМТ қоидалари ёзма ҳисобварақларидан фойдаланишни назарда тутмаган ҳолларда ижро этувчи агентликларга ХМИ/ХХМТ учун мақбул бўлган тижорат банкида лойиҳа мақсадлари учун махсус ҳисобварақларини очишга рухсат берилади. ЛБХни ишлаб чиқиш ижро этувчи агентлик томонидан ХМИ/ХХМТ билан биргаликда ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ амалга оширилади. ЛБХ ижро этувчи агентликнинг ТИТК томонидан тасдиқланиши шарт.

Лойиҳанинг дастлабки қиймати қурилишнинг тахминий қиймати, товарларни (ишларни ва хизматларни) харид қилиш харажатлари, шунингдек,

лойиҳани тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар, шу жумладан, ХМИ/ХХМТ методологиясига мувофиқ жисмоний ва (ёки) нарх ўзгариши харажатларини қоплаш учун захира яратиш асосида шакллантирилади.

ЛБХда кўзда тутилган захира миқдори ХМИ/ХХМТ томонидан қўлланиладиган методологияга мувофиқ шакллантирилади ва қурилиш ишларининг ҳажмини ёки харид қилинган товарлар миқдорини ёки товарларнинг (ишлар ва хизматларнинг) ҳақиқий қийматини ўзгартириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ишлатилади.

19. Жалб қилинган қарз маблағларининг 80 фоизидан ортиғи тижорат банклари ёки бошқа молия ташкилотлари орқали қайта молиялаштирилган кредит линияларини тақдим этишга, шунингдек, институционал ривожланиш лойиҳалари (бюджетни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари), натижага асосланган молиялаштириш инструменти орқали жалб қилинадиган лойиҳалар ва дастур учун ЛБХ талаб этилмайди.

20. ЛБХни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ижро этувчи агентлиги ташқи беғараз кўмак маблағлари, аванс қарз маблағлари, ретроактив молиялаштириш, ижро этувчи агентликнинг ўз маблағлари ёки ушбу мақсадлар учун назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари (Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин бўлган лойиҳа-смета, харид ҳужжатлари ва атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза (АТТА) лойиҳасини тайёрлаши мумкин.

Бунда АТТА Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан келишилиши шарт.

21. ЛБХни кўриб чиқиш ва баҳолаш Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бир вақтнинг ўзига йигирма беш иш куни муддатда амалга оширилади. Бунда:

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги — лойиҳани амалга ошириш иқтисодий мақсадга, тасдиқланган инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларига, техник иқтисодий ечимлар, натижалар матрицаси ҳамда ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорлик стратегиясига (дастурига) мувофиқлигини баҳолайди;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги — жалб этилаётган қарз маблағларини тўлаш учун маблағ манбаларини аниқлаш, шунингдек, назарда тутилган бюджет маблағларини қўшимча солиқ ва божхона имтиёзларини бериш мақсадга мувофиқлиги ва ҳажмлари бўйича экспертизадан ўтказилади.

Бунда:

ЛБХни техник-технологик ечимлар, усқуналар нархлари, қурилиш қиймати, молиявий-иқтисодий самарадорлиги бўйича белгиланган муддат ичида экспертизадан ўтказиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан «Лойиҳа ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури маблағлари ҳисобидан жалб этилиши мумкин.

ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳалар бўйича ишлар, товарлар ва хизматлар учун нархлар ушбу мақсадлар учун қўлланиладиган ХМИ/ХХМТ методологиясига мувофиқ ЛБХда аниқланади.

Ижро этувчи агентлиги ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳалар доирасида ЛБХ, ЛБХни тайёрлаш ва товарлар, ишлар ва хизматлар нархларини аниқлаш учун ХМИ/ХХМТга мақбул бўлган лойиҳалаш ташкилотлари ва консалтинг компанияларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

22. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ЛБХ бўйича хулосалари ва ЛБХ Ҳукумат комиссияси йиғилишида кўриб чиқиш учун киритилади ҳамда лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритиш учун асос бўлади.

23. Инвестиция, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги шарҳлари/мулоҳазаларини ҳисобга олган якуний ЛБХ Ҳукумат комиссияси йиғилишининг баёни билан тасдиқланади.

Лойиҳанинг тасдиқланган ЛБХси ҳар бир бетида ЛБХ тасдиқланган Ҳукумат комиссияси баёни рақами ва санаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг штемпели билан мажбурий белги қўйилади.

24. Тасдиқланган ЛБХ ва ХМИ/ХХМТ билан Қарз битими имзоланиши инвестиция лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг ташқи давлат қарзи жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига киритиш учун асос бўлади.

25. ЛБХда жалб этилаётган қарз (кредит)ни бюджет ажратмалари ҳисобидан сўндиришни кўзда тутган ҳолда, тасдиқланган ЛБХнинг бир нусхаси ижро этувчи агентлик томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берилади.

26. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилмаган ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарори асосида амалга оширилади.

4-боб. Лойиҳани амалга оширишда ижро этувчи агентликнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

27. Лойиҳаларнинг ўз вақтида ва самарали тайёрланишини ва амалга оширилишини таъминлаш ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинмага ва/ёки ЛАОГга юклатилиши мумкин.

ХМИ/ХХМТ билан имзоланадиган битимларда лойиҳани амалга ошириш мақсадида ЛАОГ ташкил этиш, белгиланган ҳолларда ижро этувчи агентлиги таркибида алоҳида юридик шахс ёки бўлинма сифатида ЛАОГ ташкил қилиниши мумкин.

28. Бир хил турдаги лойиҳаларни (мақсадлари, вазифалари, мавзуси, таркиби, молиялаштириш манбалари ва бошқалар бўйича ўхшаш) амалга ошириш учун ХМИ/ХХМТ билан келишилган ҳолда бирлаштирилган ЛАОГ ташкил қилиниши мумкин. Битта ХМИ/ХХМТ томонидан молиялаштириладиган лойиҳани амалга ошириш функциялари ҳам жорий ишлар ҳажмидан келиб чиқиб мавжуд ЛАОГга юкланиши мумкин.

29. ЛАОГ фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

30. Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва ЛАОГнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва ваколатли органларда экспертизадан ўтказишни ташкил этиш;

лойиҳанинг қарз ва молиявий битимлар ҳамда ЛБҲга мувофиқ амалга оширилишини, шунингдек, лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларида қарорларнинг ўз вақтида қабул қилинишини таъминлаш;

шартномалар мониторинги ва ижросини, молиявий ва бошқа ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

ўз ваколатлари доирасида ХМИ/ХҲМТ иштирокида амалга ошириладиган лойиҳа бўйича ХМИ/ХҲМТ билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ХМИ/ХҲМТ билан келишилган шакл ва таркиб бўйича ҳисобот ва маълумотларни сўров бўйича тақдим этиш.

31. Юкланган асосий вазифаларга мувофиқ ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

маслаҳатчи сифатида юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш;

лойиҳани амалга ошириш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда ахборот олиш;

лойиҳаларни амалга оширишдаги муаммоли масалаларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, ХМИ/ХҲМТ ва бошқа ижро этувчи агентлик вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш ва ўтказиш.

Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ қонунчилик ҳужжатларида, шунингдек, ХМИ/ХҲМТ қоидалари ва тартиб-таомилларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ қуйидаги мажбуриятларга эга:

молия битимлари талабларига, ХМИ/ХҲМТ қоидалари ва тартиб-таомилларига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш. Агар ХМИ/ХҲМТ тартиб-таомилларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда ХМИ/ХҲМТ тартиб-таомиллари қўлланилади;

ижро этувчи агентликнинг лойиҳа мақсадларига зид бўлмаган фармойишлари, буйруқлари, қарорлари, топшириқларини бажариш;

жалб этилган маслаҳатчилар, юқори малакали мутахассислар ишига кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш;

лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини сақлаш;

белгиланган тартибда иш юритиш, лойиҳани амалга ошириш ва яқунлаш билан боғлиқ ҳужжатларни сақлаш, лойиҳа тугагандан сўнг эса ҳужжатларни белгиланган тартибда сақлаш учун ижро этувчи агентликка топшириш;

Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ қонунчилик

ҳужжатларида, шунингдек, ХМИ/ХХМТ қоидалари ва тартиб-таомилларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

33. Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ ўзига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш масалаларига оид тайёрланган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларнинг ишончлилиги ва сифати учун жавобгардир.

34. Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ ҳар ой Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига лойиҳанинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган ҳолат ва масалаларни батафсил тавсифловчи ишларнинг бориши тўғрисидаги маълумотларни, уларни ҳал қилиш бўйича таклифларни, шунингдек, ҳисоботлар ва бошқа керакли маълумотларни тақдим этади.

35. Ижро этувчи агентликнинг раҳбари лойиҳани бошқариш қўлланмасини, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГнинг самарали ишлашини таъминлаш учун жавобгардир.

36. Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ ходимлари иш самарадорлигини баҳолаш натижалари асосида ишдан бўшатилиши мумкин.

Бунда ЛАОГнинг асосий ходимлари (менежер, харидлар, молиявий бошқарув бўйича ходимлар) билан шартномани бекор қилиш ҳолатлари тўғрисида (сабабларини тегишли тушунтириш билан) ушбу шартномани бекор қилиш санасидан икки ҳафта олдин ХМИ/ХХМТ ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига хабар берилиши керак.

37. Ижро этувчи агентлик таркибидаги бўлинма ва/ёки ЛАОГ ходимларининг иш самарадорлигини баҳолаш ҳар чоракда Инвестиция, саноат ва савдо вазирлиги томонидан ХМИ/ХХМТ билан келишилган ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

38. ЛАОГлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган «Ўзсувтаъминот» АЖ лойиҳа офиси, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ҳамда Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази раҳбари лавозимига номзодларни тайинлаш ва уларни лавозимдан озод этиш Ҳукумат комиссияси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5-боб. Лойиҳа бўйича қарз музокараларини ўтказиш, битимларни имзолаш ва маблағлар ажратиш тартиби

39. Лойиҳа бўйича музокаралар ўтказиш ёки молиявий шартларни муҳокама қилиш мақсадида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси делегациясини шакллантиради ва Ўзбекистон Республикаси номидан ХМИ/ХХМТ номига қарз бўйича музокара ўтказиш муддатлари, делегация таркиби ва ваколатлари мақбуллиги тўғрисида хат юборади.

Ижро этувчи агентлик раҳбари ёки ваколатли ўринбосари қарз бўйича музокаралар ўтказиш учун делегация раҳбари сифатида тайинланади.

Делегация раҳбари музокаралар баённомасини, ХМИ/ХХМТ тартиб-таомилларига мувофиқ бошқа ҳужжатларни (кейинги ўринларда — лойиҳа бўйича ҳужжатлар) имзолаш ваколатига эга. Музокаралар баённомаси музокараларнинг сўнгги кунда икки томонлама имзоланади.

Ижро этувчи агентлик қарз музокаралари баённомасини имзолашидан олдин ваколатли экспертиза органлари билан ЛБХ келишиб олиншини таъминлайди.

Агар ХМИ/ХХМТ қоидаларига мувофиқ қарз бўйича музокараларни ўтказишдан олдин молиявий шартларнинг мақбуллиги тўғрисидаги шаклни ёки ХМИ/ХХМТ кредитларини тақдим этиш шартларига оид бошқа ҳужжатларни юбориш талаб этилса, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ХМИ/ХХМТдан тегишли шаклларни олгандан кейин уч кун ичида шартларни қабул қилиш тўғрисида хулоса юборди ва (ёки) имзо чекувчилар томонидан тегишли шаклларни имзоланишида амалий ёрдам кўрсатади.

40. Битимлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири берган ваколатга мувофиқ белгиланган шахс томонидан имзоланади.

Қарз битимларини имзолаш учун қўшимча равишда Ҳукумат қарори талаб қилинмайди.

41. Қарз битими ХМИ/ХХМТ тамойиллари ва қоидаларига мувофиқ имзоланади.

Масъул вазирликлар ва идоралар ўн кун ичида битим лойиҳалари бўйича эътирозларини ва (ёки) ижобий хулосаларини тақдим этадилар. Битим лойиҳаларининг якуний матнлари ХМИ/ХХМТ билан музокаралар якунлари бўйича шакллантирилади.

42. Ижро этувчи агентлик ХМИ/ХХМТ билан лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ижро этувчи агентлик номидан битимлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатларни ўз вақтида имзолаш учун жавобгардир.

43. Ижро этувчи агентлик ер участкаларини олиб қўйиш, уйларни, бошқа қурилишларни, иншоотларни ёки қўчатларни бузиш, коррупцияга қарши курашиш ва шартномаларда кўрсатилган бошқа масалалар бўйича компенсация тўлаш бўйича ХМИ/ХХМТ тамойилларига ва қоидаларига риоя этилишини таъминлайди.

44. Агар лойиҳада қайта кредитлаш тўғрисидаги шартнома имзоланиши назарда тутилган бўлса, ижро этувчи агентлик унинг тайёрланишини ва зарур бўлса, уни имзолашдан олдин ХМИ/ХХМТ билан келишилишини таъминлайди.

45. Ижро этувчи агентлик имзоланган битимлар доирасида барча мажбуриятларни тўлиқ қабул қилади ва қабул қилинган барча мажбуриятларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

46. Ижро этувчи агентлик, шунингдек, раҳбари шартномани имзолаган вазирлик, идора ёки ташкилот, агар қарз битимида бошқача келишилмаган бўлса, шартнома имзоланганидан кейин тўқсон кун ичида унинг кучга кириши учун зарур бўлган барча шартларнинг бажарилишини таъминлайди. Шартнома кучга кириш муддатларининг кейинги узайтирилиши ижро этувчи агентлик сўровига мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан

ХМИ/ХХМТга жорий муддатлар тугашидан камида икки ҳафта олдин тақдим этилиши керак.

47. Қарз ва молиявий битимлари, қайта кредитлаш тўғрисидаги битим, лойиҳа битими, субсидиар шартнома, ҳуқуқ ва талабларни топшириш тўғрисидаги шартнома, хат-битимлар, давлат кафолатлари бўйича, шунингдек, кучга кириши учун юридик хулоса шарт бўлган бошқа битимлар бўйича юридик хулосалар Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилади.

Адлия вазирлиги ижро этувчи агентликнинг сўрови рўйхатдан ўтказилгандан сўнг Ҳукуматнинг лойиҳа бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатисиз икки ҳафта муддатда юридик хулоса беради.

48. Ижро этувчи агентлик юридик хулоса олинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида шартномаларнинг имзоланган нусхалари ва тегишли ҳуқуқий хулосаларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига тақдим этилишини таъминлайди.

49. ХМИ/ХХМТ ҳисобварағидан қарз (кредит) маблағларини ечиш мақсадида ижро этувчи агентлик ХМИ/ХХМТ ҳисобварағидан қарз (кредит) маблағларини ечиш учун ваколатли шахсларнинг имзо намуналарини ХМИ/ХХМТ томонидан тасдиқланган шаклда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритади.

50. Агар лойиҳада қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни имзолаш кўзда тутилган бўлса, ижро этувчи агентлик зарурат туғилганида, ХМИ/ХХМТ билан келишишни таъминлайди.

51. ХМИ/ХХМТ қарз маблағларини олиш учун аризалар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тегишли аризаларни имзолаш ваколати берилган шахслар томонидан расмийлаштирилади.

6-боб. Харид қилиш тартиби

52. Харид қилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси ва ХМИ/ХХМТ ўртасида имзоланган тегишли битимлар билан тартибга солинади. Хариднинг аниқ усуллари ва тартибларини тавсифловчи амалдаги қоидалар ёки харид бўйича қўлланмалар битимларда белгиланган тартибда кўрсатилади.

53. ХМИ/ХХМТ харид қилиш тартиб-таомилларининг шартлари ва талаблари миллий қонунчилик, қоидалар ва тартиб-таомиллардан, агар улар ўртасида зиддият юзага келса, устун туради.

54. Ижро этувчи агентлик лойиҳалар доирасида харид агентларининг иштирокига қарамай, харидларни амалга ошириш ва техник қарорлар қабул қилиш учун жавобгардир. Харид агентлари барча масала бўйича қарорларни ижро этувчи агентлик билан келишади ва унга ҳисобот беради.

55. Маҳаллий назорат органлари томонидан ўтказиладиган ҳар қандай аудит ХМИ/ХХМТ харид талабларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

56. Маҳаллий корхоналар тўғридан-тўғри тўловларни амалга ошириш назарда тутилган, ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳалар доирасида тузилган контрактлар бўйича хорижий валюта олиш ҳуқуқига эга.

57. ХМИ/ХХМТ тартиб-таомилларида молиявий битимни имзолашдан

олдин ва/ёки кейин харидни амалга ошириш назарда тутилган бўлса, ижро этувчи агентлик харидлар режасини Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда харидларни амалга ошириши мумкин.

58. Харид тартиб-таомилларига риоя этилиши, харид иштирокчилари таклифларини холис баҳолаш ва белгиланган мезонларга мувофиқлигини таъминлаш ижро этувчи агентлигининг биринчи раҳбари зиммасига шахсан юклатилади.

59. Харидлар қатнашчиларининг таклифларини баҳолаш мақсадида ижро этувчи агентлик раҳбарининг буйруғига мувофиқ баҳолаш гуруҳи аъзоларининг (аъзолар сони тоқ ва камида 5 нафар бўлган) рўйхати тасдиқланади.

Баҳолаш гуруҳи таркибига мажбурий тарзда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вакиллари ва лойиҳа доирасида жалб этилган харидлар бўйича халқаро маслаҳатчи киритилади.

Баҳолаш гуруҳининг баҳолаш натижалари бўйича ҳисоботлари ижро этувчи агентлик раҳбари томонидан тасдиқланади.

Харид натижалари ХМИ/ХХМТ билан келишилиб, таклифларни баҳолаш натижалари уч кун ичида ижро этувчи агентлик томонидан махсус порталларда ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги расмий сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

60. Ўтказилган харидлар тартиб-таомиллари натижалари бўйича тузилган шартномалар экспертизадан ўтказилмасдан, кейинчалик мониторинг қилиш мақсадида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида ҳисобга олинган санадан кучга киради.

61. Ижро этувчи агентлик шартномалар тузилган санадан бошлаб икки кун ичида уларни ҳисобга олиш мақсадида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги электрон порталида рўйхатга қўяди.

Тузилган шартномаларга қўшимча шартномалар қайтадан харид тартиб-таомилларини амалга оширмасдан, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳамда ХМИ/ХХМТ розилиги билан қуйидаги ҳолларда тузилади:

шартнома шартларида назарда тутилган ўзгартиришлар киритилганда; ишлар ҳажми ва (ёки) контракт қиймати тузилган дастлабки шартнома умумий ҳажми ва (ёки) умумий қийматининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда ўзгарганда.

Тузилган шартномаларга қўшимча шартномалар мониторинг ўтказиш мақсадларида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги электрон порталида рўйхатга қўйилади.

62. Мазкур Низом билан назарда тутилган харид тартиб-таомиллари ХМИ/ХХМТ грант маблағлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасидаги харидларга нисбатан жорий этилади.

63. Мазкур Низом билан назарда тутилган харидлар тартиб-таомиллари ХМИ/ХХМТ маблағларини қайта молиялаштираётган тижорат банклари ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан бенефициар танлайдиган лойиҳалар доирасидаги харидларга қўлланмайди.

7-боб. ХМИ/ХХМТ иштирокидаги лойиҳаларни мониторинг қилиш тартиби

64. Ишлаб чиқиладиган, амалга ошириладиган ва тугалланган лойиҳалар устидан мониторинг олиб борилиши лозим.

Бунда лойиҳа мониторинги бу — ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисобот бериш жараёни, шу жумладан, лойиҳанинг жисмоний ва молиявий ривожланишини кузатиш ҳисобланади. Мониторингни ташкил этиш учун Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вазирликлар, идоралар, халқаро ташкилотлар ва консалтинг компаниялари мутахассисларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Мониторинг билан боғлиқ тадбирлар лойиҳани бошқариш бўйича қўлланмада акс эттирилган, томонлар томонидан келишилган бўлиши ва (ёки) Инвестиция, саноат ва савдо вазирлиги талабига биноан амалга оширилиши керак.

65. Мониторинг қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

лойиҳаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши ва мақсадли натижаларга эришишни таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари, инвестиция жараёнининг бошқа иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этиш учун уларнинг жавобгарлигини ошириш;

барча босқичларда лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган масалаларни аниқлаш ва ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича тезкор чоралар кўриш;

лойиҳаларни муваффақиятли ва ўз вақтида амалга ошириш ва молиялаштириш учун зарур бўлган барча чораларни кўриш;

ХМИ/ХХМТ олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

66. Мониторинг Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан қўйидагиларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали амалга оширилади:

лойиҳани бошқариш бўйича қўлланма, харид режалари, тармоқ жадваллари, натижалар матрицаси ва бошқа лойиҳа ҳужжатларининг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

Ижро этувчи агентликлар томонидан тақдим этиладиган лойиҳанинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботлар;

марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш масалалари бўйича ахборот.

67. Лойиҳалар амалга оширилишининг йиғма таҳлили, шунингдек, қўшимча таҳлилий маълумотлари асосида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

тенденцияларни ўрганади, лойиҳаларни амалга оширишдаги тўсиқларни аниқлайди, имтиёзлар ва преференциялар тизимининг самарадорлигини таҳлил қиладиган;

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;

инвестиция жараёни самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган ҳукумат қарорларини тайёрлаш ишларини ташкил этади;

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган бошқа тадбирларни ташкил этади;

ХМИ/ХХМТ билан мунтазам равишда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг жорий ҳолатини, шу жумладан, уларни амалга ошириш жараёнида юзга келган муаммоларни муҳокама қилади.

68. Мониторинг натижалари ҳар чоракда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан Ҳукумат комиссиясига киритилади.

8-боб. Лойиҳани яқунлаш тартиби

69. Ижро этувчи агентлик лойиҳа яқунланган санадан бошлаб бир йил ичида лойиҳа яқунлангани тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда ҳисоботни ХМИ/ХХМТга Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборади.

70. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги лойиҳа бўйича бажарилган чора-тадбирларни ўрганиш учун, шу жумладан, бошқа вазирлик, идора ва лойиҳа институтларидан жалб этилган мутахассисларни юборади ва ўрганиш натижалари бўйича ижро этувчи агентликка лойиҳа яқунлангани тўғрисидаги ҳисоботга хулоса беради ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этади.

71. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги 1 декабргача фойдаланишга топширилган лойиҳалар ичидан постмониторинг ўтказиладиган лойиҳалар рўйхати, постмониторинг ўтказиш учун масъул бўлган вазирлик ва идоралар вакиллари, муддати, мақсадли кўрсаткичлари, баҳолаш услуби ва бошқа талабларни Ҳукумат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади.

72. ХМИ/ХХМТ томонидан лойиҳани амалга ошириш натижаларини мустақил баҳолашда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва ижро этувчи агентлик ходимлари мустақил баҳолаш бўйича миссияни қўллаб-қувватлайдилар ва унинг ишида бевосита иштирок этадилар.

73. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги инвестиция лойиҳаси амалга оширилганидан кейин 5 йилдан кечикмасдан лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларини баҳолаб боради ва мақсадли кўрсаткичларга эришилмаганлигининг сабабларини таҳлил қилади.

9-боб. Тасдиқланган лойиҳаларга ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш тартиби

74. Лойиҳалар бўйича тасдиқланган ЛБҲга ўзгартириш ва қўшимчалар

киритиш қўйидаги ҳолларда Ҳукумат комиссияси қарорига асосан амалга оширилади:

лойиҳани амалга ошириш учун жалб қилинган кредитлар ва бошқа молиявий маблағларга хизмат кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш параметрларининг ўзгариши;

лойиҳани молиялаштириш манбаларига ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши;

лойиҳанинг асосий параметрлари ёки асосий техник ва технологик ечимларининг ўзгариши;

лойиҳа қийматининг тасдиқланган лойиҳа параметрларига нисбатан 20 фоиздан кўпроқ ошиши.

Лойиҳалар бўйича ЛБҲга қўйидаги ҳолларда ўзгартиришлар киритилмайди:

лойиҳаларни амалга ошириш яқунлари бўйича;

лойиҳа номини ўзгартириш мақсадида;

лойиҳа қиймати пасайганда;

лойиҳанинг молиявий харажатлар миқдори, уни амалга ошириш муддатини узайтириш ёки қарз маблағларини тақдим этиш шартларини ўзгартириш сабабли лойиҳа қиймати 20 фоиздан ошганда;

лойиҳанинг умумий қийматини ўзгартирмасдан лойиҳа таркибий қисмларининг ёки харажатлар тоифалари, лойиҳа таркибий қисмларини молиялаштириш манбалари ва улуши ўзгарган тақдирда, шунингдек, лойиҳа таркибий қисмлари ёки харажатлар тоифалари ўртасида қайта тақсимланганда, лойиҳадаги иқтисод қилинган маблағлардан фойдаланилганда.

75. Ижро этувчи агентликка лойиҳанинг ЛБҲ ва ЛБҚда тақдим этилган харажатлар параметрлари ва техник ва технологик ечимлар учун жавобгарлик юкланади.

76. Лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини узайтириш (қарзларни қайтариш), харажатлар тоифалари, лойиҳа таркибий қисмлари ўртасида қайта тақсимлаш, лойиҳа бўйича тежалган маблағлардан фойдаланиш, фойдаланилмаган қарз маблағларини бекор қилиш, лойиҳа ҳужжатлари ва молиявий битимларга ўзгартиришлар киритиш масалаларини ҳал қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ижро этувчи агентлик хат билан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига, шу жумладан, нархлар ва харажатлар кўрсатилган барча батафсил маълумотларни, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига — лойиҳани амалга ошириш муддатини узайтириш ҳамда жалб қилинган кредитларга хизмат кўрсатиш учун тўланган маблағлар миқдорига кейинчалик таъсир кўрсатадиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилган тақдирда таклифлар киритади;

Инвестиция, саноат ва савдо вазирлиги ижро этувчи агентликдан сўров келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва бошқа вазирлик ва идоралар томонидан ижро этувчи агентликнинг сўрови кўриб чиқилишида ёрдам беради;

агар томонларнинг ушбу масала бўйича позициялари бир-бирига мос келадиган бўлса, ваколатли вакил келишувларга мувофиқ Ўзбекистон Респуб-

ликаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан тегишли сўровномани ХМИ/ХХМТга юборди;

агар томонларнинг позициялари турлича бўлса, ижро этувчи агентлик масалани кўриб чиқиш учун Ҳукумат комиссиясига киритади;

Ҳукумат комиссияси сўров келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида, агар ижро этувчи агентлик таклифи мақбул бўлса, розилик тўғрисидаги тегишли резолюцияни тақдим этади ва зарур ҳолларда имзо чекувчи ёки Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига (ХМИ/ХХМТ талабларига мувофиқ) ХМИ/ХХМТга тегишли сўров йўллаш тўғрисида топшириқ беради.

Имзолувчи ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳалари келиб тушган санадан эътиборан беш иш куни ичида лойиҳа бўйича келишувларга ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчаларни расмийлаштиради.

77. Қарз битимларига, қайта кредитлаш тўғрисидаги битимларга, лойиҳа битимига, субсидия битимига, ҳуқуқ ва талабларни делегация қилиш тўғрисидаги битимга, шунингдек, юридик хулоса бериш ХМИ/ХХМТ қоидалари ва тартиб-таомилларига мувофиқ шарт бўлган бошқа битимларга ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ҳуқуқий хулоса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, алоҳида Ҳукумат қарори талаб қилинмасдан ХМИ/ХХМТ учун мақбул бўлган шаклда имзо чекувчи сўровномаси асосида тақдим этилади.

10-боб. Фавқулодда вазиятлар тартиблари

78. Ушбу тартиблар фавқулодда вазиятларда оператив ва молиявий тезкор жавобларни талаб қиладиган ва амалга ошириладиган ташаббуслар ва ҳаракатлар тўпламидир. Улар тадбирларни тайёрлаш, баҳолаш, амалга ошириш ва яқунлаш, амалга ошириладиган операциялар, дастурлар ва фавқулодда вазиятларга жавоб бериш лойиҳаларининг ҳар қандай жиҳатини назорат қилиш ва (ёки) қўллаб-қувватлаш бўйича барча тадбирларга нисбатан қўлланади.

79. Фавқулодда вазиятлар дастурлари ва лойиҳалари юқори устуворликка эга бўлган моддий бойликларни тиклашни қўллаб-қувватлаш ва инсон, моддий, иқтисодий ва экологик йўқотишларга олиб келган фавқулодда вазиятлар натижасида иқтисодий, ижтимоий ва бошқарув фаолиятини тиклашни қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилади. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш лойиҳалари, шунингдек, кенг қўламли инсон, моддий, иқтисодий ва экологик йўқотишларни юмшатадиган ва келажакдаги фавқулодда вазиятларга чидамлилигини оширадиган офатлардан кейинги шошилиш чораларни қўллаб-қувватлайди. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш даврида бажарилиши мумкин бўлмаган узоқ муддатли таъмирлаш ва тиклаш тадбирлари ушбу Низомда назарда тутилган фавқулодда ёки анъанавий инвестиция лойиҳаларини қўшимча молиялаштириш орқали қўллаб-қувватланиши мумкин.

80. Фавқулодда вазият юзага келган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш бўйича бошқарув қўмитаси раиси ва аъзолари (кейинги ўринларда — Бошқа-

рув қўмитаси) тасдиқланади. Бошқарув қўмитасининг вазифаларига қуйидагилар киради:

қундалик фаолиятни мувофиқлаштириш учун фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича масъул вазирлик (идора)ни тайинлаш;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва табиий офатдан зарар кўрган секторлар вакиллари табиий офат оқибатларини баҳолаш бўйича қўшма гуруҳга (ТООББҚГ) тайинлаш;

фавқулодда вазият натижасида етказилган зарар ва йўқотишлар тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари ва дастурларининг жамланма рўйхатини, уларнинг тахминий қийматини ва таклиф этилаётган молиялаштириш манбаларини кўриб чиқиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишнинг йиғма режасини ишлаб чиқишда тегишли раҳбарликни таъминлаш, шу жумладан:

фавқулодда вазиятларни бартараф этишнинг консолидациялашган режасини (ФАБКР) тасдиқлаш;

ФАБКРни молиялаштириш билан боғлиқ ХМИ/ХХМТ билан келишувларни тасдиқлаш.

81. Фавқулодда вазиятларни бошқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи (ФВБЛАОГ) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Инвестиция, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва зарар кўрган секторлар таркибидаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун масъул вазирлик (идора) томонидан мавжуд бўлинмалардан максимал даражада фойдаланиб, тезкор маълумотларни тўплашни, зарарни, йўқотишларни ва уларнинг қийматини баҳолашни, шунингдек, таклиф этилаётган харид ва амалга ошириш механизмларини қўллаб-қувватлайди.

82. ФВБЛАОГ табиий офатлар оқибатларини баҳолаш гуруҳини (ТООБГ) ташкил этади, унинг таркибига вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, жалб этилган халқаро ва маҳаллий мутахассислар киради. ТООБГ жамоаси фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ҳисоботни, зарар кўрган тармоқлар ва ҳудудлар бўйича зарар ва йўқотишларни батафсил баҳолаш бўйича ҳисоботни тайёрлайди ва зарар ва йўқотишларнинг умумий ҳажмини, шунингдек, тавсия этилган дастурлар ва қайта тиклаш (қайта қуриш) лойиҳалари учун харажатлар сметасини умумлаштирувчи хулосани шакллантиради.

83. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ТООБГ хулосасини олгандан кейин бир ҳафта ичида баҳолайди ва Бошқарув қўмитасига юборади, шунингдек, эҳтиёжлар ёки харажатлар сметаси ўзгарган тақдирда, ҳар ҳафта Бошқарув қўмитасига янгиланган маълумотларни тақдим этади.

84. Бошқарув қўмитаси таклиф этилаётган тикланиш ва реабилитация тадбирларининг долзарблигини, уларнинг тахминий нархини, шунингдек, молиялаштиришнинг потенциал манбаларини кўриб чиқади ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги орқали ХМИ/ХХМТ иштирокининг қўлами ва даражаси ҳамда мослашувчан амалга ошириш тартиб-қоидаларини қўллашни мувофиқлаштиради.

85. Фавқулудда вазиятларни бартараф этишда ва уни молиялаштиришда иштирок этиш учун ХМИ/ХХМТ билан келишилганидан сўнг фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун масъул вазирлик (идора) ХМИ/ХХМТ билан келишилган ҳолда Бошқарув қўмитасига қўйидагиларни назарда тутувчи фавқулудда вазиятларни бартараф этиш режасини тақдим этади:

лойиҳа харажатлари миқдори;

керакли товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми ва қийматининг тахминий тақсимооти;

техник-иқтисодий параметрлар;

фавқулудда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш тўғрисидаги битим лойиҳалари ва шартнома учун таклиф қилинган имзо чекувчилар рўйхати.

Қарз олиш учун ХМИ/ХХМТ аризаларини кўриб чиқиш жараёнида фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун масъул вазирлик (идора), шунингдек, иштирок этувчи ташкилот ХМИ/ХХМТ билан лойиҳаларни харид, ажратиш ва амалга оширишнинг мослашувчан механизмларини муҳокама қилади ва мувофиқлаштиради. Улар, хусусан, қўйидаги дастурларни ўз ичига олиши мумкин:

аванс харидлари, ретроактив молиялаштириш ва ариза (таклифлар)ни тайёрлашнинг мослашувчан муддатлари;

харид агентлари ва лойиҳаларни бошқариш бўйича маслаҳатчилардан фойдаланиш;

товарлар, ишлар ва хизматлар хариди бўйича асосий келишувлар ва шартномалар;

олдидан жалб қилинган ва (ёки) дастлабки квалификациядан ўтган малакали маслаҳатчилар, етказиб берувчилар ва пудратчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

одатда кам баҳоли, хатар даражаси паст ва мураккаб бўлмаган товарлар, ишлар ёки хизматларни тақдим этиш учун нархларни таққослашга асосланган котировкалардан фойдаланиш;

кичик иш ҳажмларини бажариш учун шартномалар орқали жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

мажбурий ҳисоблаш — ўз ходимлари ва жиҳозларидан фойдаланадиган давлат идоралари (ташкилотлари) билан шартномалар тузиш.

Шартномалар ва харажатларни ретроактив молиялаштириш, шунингдек, келишилган давлат тиклаш ва харажатлар дастурларини молиялаштириш учун аванс тўловлари ХМИ/ХХМТ тартибларига мувофиқ фавқулудда вазиятларни бартараф этиш лойиҳалари (қарзлари) учун ишлатилиши мумкин.

86. Фавқулудда вазиятларни бартараф этиш учун масъул вазирлик/идора ХМИ/ХХМТ билан келишилган шартномаларни имзолашни таъминлайди.

87. Адлия вазирлиги имзоланган шартномаларни олгандан кейин бир ҳафта ичида ҳуқуқий хулосалар беради.

88. Фавқулудда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш учун масъул вазирлик (идора) имзоланган битимларни ва уларга илова қилинган ҳуқуқий хулосалар Бошқарув қўмитасига юборилишини таъминлайди.

89. Мазкур Низомнинг 85 — 88-бандларида келтирилган жараёнлар би-

лан бирга фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун масъул вазирлик (идора) ва ХМИ/ХХМТ ҳисобот, мониторинг ва баҳолаш ҳажмини мувофиқлаштиради ва лойиҳани бошқариш бўйича қўлланмани ишлаб чиқади ҳамда Бошқарув қўмитаси томонидан лойиҳа тасдиқланганидан кейин бир ой ичида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқлашга тақдим этилади.

90. Лойиҳани амалга ошириш босқичида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Бошқарув қўмитасига йиғма консолидациялашган ойлик ва чораклик ҳисоботларни тақдим этади, зарур ҳолларда, ҳафталик ва ойлик маълумотларни янгилайди.

91. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш лойиҳалари доирасида тузилган барча шартномалар беш иш куни ичида белгиланган тартибда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтиш учун тақдим этилиши керак.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

92. ХМИ/ХХМТ миссиялари ёки вакиллари учрашувларининг иш жадваллари ижро этувчи агентлик томонидан тузилади ва натижалар бўйича ижро этувчи агентлик вазирликлар, идоралар ва ташкилотларни улар билан режалаштирилган учрашувлар тўғрисида хабардор қилади.

93. Агар ХМИ/ХХМТ миссиялар ёки вакиллариининг ташрифини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси бюджети ҳисобидан молиялаштирилса, учрашувлар ва қабуллар жадвали тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

94. Қарз битими, қайта кредитлаш тўғрисидаги шартнома, лойиҳа шартномаси, субсидиар шартнома, ҳуқуқ ва талабларни топшириш тўғрисидаги шартнома, хат-битимлар ва бошқа битимларни (кейинги ўринларда — лойиҳа бўйича шартномалар) имзолаган вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу Низомда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси номидан лойиҳа бўйича шартномага ўзгартиришлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш тўғрисида ҳужжатларни имзолаш ваколатига эга.

95. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тақчиллигини молиялаштириш учун лойиҳаларни (дастурлар) амалга ошириш бўйича барча сўровлар, қарз муҳокамаларида қатнашиш учун Ҳукумат делегацияси таркибини шакллантириш ва уларни ХМИ/ХХМТга тақдим этиш ҳамда бошқа масалалар Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ваколати ҳисобланади.

96. Халқаро беғараз техник ёрдам, грант ва (ёки) лойиҳаларни молиялаштиришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ солиқлар, йиғимлар ва божхона имтиёзлари қўлланади. Мазкур имтиёзлар бўйича ҳисобланган маблағлар суммаси халқаро ҳамкорлар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қўшган ҳиссаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро қонунчилик ўртасида тафовут юзага келган ҳолатларда халқаро қонунчилик устунлик қилади, шунингдек, ХМИ/ХХМТ томонидан имзоланган шартномалар халқаро шартномаларга тенглаштирилади ва миллий қонунчиликдан устун туради.

Халқаро молия институтлари ва хорижий
ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги
лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш,
мониторинг ва постмониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Лойиҳа концепцияси (лойиҳанинг дастлабки баҳолаш ҳужжатлари) тузилиши

I. Стратегик салоҳияти

Мамлакат салоҳияти
Саноат ва институционал салоҳият
Лойиҳани амалга ошириш натижасида эришиладиган мақсад ва ютуқлар

II. Лойиҳанинг мақсади

Лойиҳанинг мақсади
Лойиҳанинг манфаатдор томонлари
Амалга оширилган шунга ўхшаш лойиҳалар таҳлили

III. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳа таркибий қисмлари
Лойиҳа қиймати ва молиялаштириш манбалари
Лойиҳа доирасида жалб этиладиган қарз маблағларини қайтариш ман-
балари

IV. Лойиҳани баҳолаш

Техник асосланишни баҳолаш
Дастлабки иқтисодий ва молиявий таҳлил
Ижтимоий жиҳатлар

V. Лойиҳанинг асосий хатарлари

Лойиҳа хатарларини умумий баҳолаш ва уларни камайтириш чоралари
I бўлимда саноат ва институционал хусусиятлар, лойиҳанинг асосий
мақсад ва вазифалари, лойиҳанинг миллий тараққиёт стратегияларига муво-
фиқлиги, лойиҳани тайёрлаш асослари, лойиҳа иштирокчилари ва бошқалар
кўрсатилиши керак.

II бўлимда лойиҳанинг асосий муаммолари, афзалликлари ва камчилик-
лари таҳлил қилинади.

III бўлимда лойиҳанинг жойлашуви, ҳажми ва таркибий қисмлари, хара-
жатларнинг таркибий қисмлари, молиялаштириш ташкилотлари ва харажат-
лар тоифаси бўйича тақсимланиши кўрсатилиши керак.

IV бўлим таклиф этилаётган лойиҳа билан боғлиқ техник асосларни, операцион ва молиявий таҳлилни (лойиҳанинг соф жорий қийматини ҳисоблаш, даромаднинг молиявий-иқтисодий даражаси ва бошқалар) ўз ичига олади. Ушбу бўлимда, шунингдек, лойиҳанинг ижтимоий жиҳатлари, унинг манфаатдор томонларга таъсири ва миллий сиёсат ва ХМИ/ХХМТ сиёсатига мувофиқлиги баҳоланади.

Концепцияда, шунингдек, шунга ўхшаш лойиҳалар ва натижалар матрицаси билан таққослаганда қувват бирлигига лойиҳанинг бирлик қиймати ҳисоб-китоблари кўрсатилиши керак:

Лойиҳани амалга ошириш натижасида эришиш режалаштирилган натижаларнинг дастлабки матрицаси							
Лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Давр (йил бўйича)					
		20__	20__	20__	20__	20__	...

V бўлимда лойиҳа бўйича тахминий хатарлар, шунингдек, уларни камайтириш бўйича стратегиялар/чоралар таклиф қилиниши керак.

Изоҳ. Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси лойиҳа концепцияси (лойиҳанинг дастлабки баҳолаш ҳужжатлари) тузилишига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

Халқаро молия институтлари ва хорижий
хукумат молия ташкилотлари иштирокидаги
лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш,
мониторинг ва постмониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Лойиҳа концепцияларини устуворлик бўйича баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

Т/р	Баҳолаш мезонлари	Балл
I.	Миллий даража:	
1.	Миллий тараққиёт стратегияси ва дастурларига мос келиши	10
2.	Худудларнинг тенг ривожланиши кўзда тутилганлиги	10
3.	Лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий таъсир даражаси	10
II.	Тармоқ даражаси:	
1.	Лойиҳанинг тармоқ стратегияси ва дастурлари билан ҳамоҳанглиги	10
III.	Ҳужжат сифати:	
1.	Лойиҳа концепцияси лойиҳанинг мақсадлари, вазифалари ва натижаларини аниқ тавсифлайди (ўлчанадиган натижалар матричасига мувофиқ)	20
2.	Лойиҳанинг узоқ муддатли истиқболдаги таъсирини баҳолаш (иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа мезонлар)	15
3.	Лойиҳа қийматини компонентлар бўйича асослаш (кувват бирлигига лойиҳанинг бирлик қийматини ҳисоблаш) ва танланган молиялаштириш манбаи	15
4.	Лойиҳа хатарларини баҳолаш	10
	Натижа	100

Изоҳ. 70 ва ундан юқори балл олган лойиҳа концепциялари ХМИ/ХХМТ билан ҳамкорликдаги инвестиция дастурларига киритиш ва лойиҳаолди ишларига маблағ ажратишда устувор аҳамият касб этади.

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси Лойиҳа концепцияларини устуворлик бўйича баҳолаш мезонларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

Халқаро молия институтлари ва хорижий
хукумат молия ташкилотлари иштирокидаги
лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш,
мониторинг ва постмониторинг қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Лойиҳани баҳолаш ҳужжатининг ТУЗИЛИШИ

I. Лойиҳа паспорти

Ушбу бўлимда таклиф этилаётган лойиҳанинг асосий хусусиятлари: номи, амалга ошириш жойи, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, қуввати, кўлами кўрсаткичлари, компонентлари, лойиҳани молиялаштириш манбаи, шартлари ва механизми, афзалликлари ҳамда камчиликлари, лойиҳанинг асосий хатарлари ва бошқа маълумотлар акс эттирилади.

II. Лойиҳанинг стратегик салоҳияти

Мамлакат салоҳияти

Саноат ва институционал салоҳият

Лойиҳанинг стратегияларга (дастурлар, концепциялар) мослиги

Лойиҳанинг муайян тармоқ, ҳудуд ва соҳага қўшиши мумкин бўлган ҳиссаси ва таъсири, лойиҳани амалга ошириш зарурлиги.

Ушбу бўлимда лойиҳа амалга ошириладиган мамлакат, саноати, институционал салоҳият ва хусусиятлари таҳлили, лойиҳанинг миллий тараққиёт стратегияларига, тармоқ дастурлари ва концепцияларига мувофиқлиги, лойиҳанинг тармоқ, ҳудуд ва соҳага ҳиссаси ва таъсирини баҳолаш, лойиҳани тайёрлаш асослари, лойиҳа иштирокчилари ва бошқалар кўрсатилади.

III. Лойиҳанинг мақсади

Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари

Лойиҳа стратегияси

Лойиҳанинг манфаатдор томонлари

Амалга оширилган шунга ўхшаш лойиҳалар таҳлили.

Ушбу бўлимда лойиҳанинг асосий мақсад ва вазифалари, афзалликлари ва камчиликлари, асосий тўсиқлар, лойиҳани амалга ошириш стратегияси ва унда иштирок этувчи манфаатдор томонлар, тармоқда амалга оширилган олдинги инвестиция лойиҳаларидан олинган сабоқлар ва лойиҳалар натижалари таҳлил қилинади.

IV. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг таркибий қисмлари

Лойиҳа қиймати ва молиялаштириш манбалари.

Ушбу бўлимда лойиҳанинг жойлашуви, ҳажми ва таркибий қисмлари, харажатларнинг таркибий қисмлари, миқдори ҳамда нарх шаклланиши, молиялаштириш ташкилотлари ва харажатлар тоифаси бўйича тақсимланиши кўрсатилади.

V. Лойиҳани амалга ошириш

Лойиҳани амалга ошириш бўйича институционал чора ва тадбирлар

Натижалар мониторинги ва баҳолаш механизми

Лойиҳа барқарорлиги

Лойиҳа объекти тайёрлиги ва объектга рухсатномалар мавжудлиги.

Ушбу бўлимда лойиҳани амалга оширишни ташкил этиш масалалари ва лойиҳани амалга оширишда ҳар бир манфаатдор томоннинг уни амалга оширишдаги ўрнига мувофиқ инсон, техник ва молиявий ресурслар билан таъминланганлиги, лойиҳани мониторинг қилиш ва баҳолаш механизмлари кўриб чиқилади.

VI. Лойиҳани баҳолаш

Техник асосланишни баҳолаш

Харидлар

Иқлим ўзгариши ва табиий офатларнинг лойиҳага таъсири

Ижро агентлигининг молиявий бошқарув салоҳиятини баҳолаш, қарз маблағларини тўлаш

Иқтисодий ва молиявий таҳлил

Ижтимоий жиҳатлар (шу жумладан ижтимоий ҳимоя)

Лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш.

Ушбу бўлимда таклиф этилаётган лойиҳа билан боғлиқ техник асослик, яъни тармоқнинг жорий ҳолатини баҳолаш, эҳтиёжларни ўрганиш ва лойиҳа қувватлари тавсифи ҳамда лойиҳанинг зарур ресурслар билан таъминланганлигини ўрганиш; техник ечимларнинг тавсифи, технологиялар ва асбоб-ускуналарни танлаш таҳлили, лойиҳа доирасида технология ва асбоб-ускуналар маржинал нарх кўрсаткичининг асосланганлиги; бош режаларнинг тавсифи, асосий архитектура-қурилиш ечимлари, қурилиш майдончасининг хусусиятлари, лойиҳанинг зарур муҳандислик инфратузилма билан таъминланганлиги, лойиҳа ечимларининг шахарсозлик нормаларига мувофиқлиги таҳлили, лойиҳада белгиланган қурилиш-монтаж ишларининг ҳамда кўриб чиқиладиган таклифларга асосланган хизматларнинг максимал қиймати аввал амалга оширилган ўхшаш лойиҳалар ёки бирлик нархларига таққослаган ҳолда шакллантирилади, шунингдек жисмоний ҳажмлар (BOQ)/ қабул қилинган дизайн қарорлари, чизмалар ва диаграммаларга мувофиқ акс эттирилади.

Шунингдек, бўлимда харидларни амалга ошириш режаси ва механизми, лойиҳани амалга ошириш жадвали акс эттирилади.

Бўлим лойиҳанинг иқтисодий ва молиявий таҳлилини (лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичларини, шу жумладан, инвестицион ва операцион харажат-

ларни ҳамда иқтисодий фойдани баҳолаш, лойиҳа ва ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш ва бошқалар) ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу бўлимда лойиҳанинг ижтимоий ва экологик жиҳатлари, унинг манфаатдор томонларга таъсири ва миллий сиёсат ва ХМИ/ХХМТ сиёсатига мувофиқлиги баҳоланади.

VII. Лойиҳанинг асосий хатарлари

Лойиҳа хатарларини умумий баҳолаш ва уларни камайтириш чоралари.

Ушбу бўлимда лойиҳа бўйича тахминий хатарлар, жумладан операцион, техник, молиявий, иқлим ўзгариши ва табиий офатлар билан боғлиқ хатарлар таҳлили, шунингдек, уларни камайтириш бўйича стратегиялар/чоралар таклиф қилинади.

VIII. Иловалар

Лойиҳани бошқариш бўйича қўлланма

Лойиҳа бўйича харидларни баҳолаш ва режалаштириш

Лойиҳани амалга ошириш бўйича маслаҳатчилар учун дастлабки техник топшириқлар

Лойиҳа объектини (бино ва иншоот, ер) ажратиш тўғрисидаги қарорлар

Муҳандислик-геологик тадқиқотлар, (зарур ҳолларда)

Муҳандислик тармоқларини улаш учун техник шартлар

Давлат экологик экспертизаси хулосаси (зарур ҳолларда)

Бошқа зарур ҳужжатлар.

Изоҳ.

Лойиҳани баҳолаш ҳужжати лойиҳа концепцияси асосида ишлаб чиқилиши лозим.

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдо-ни тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси лойиҳани баҳолаш ҳужжатининг тузилишига ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI
О‘ЗБЕКISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I****61 Qiyoslashdan o‘tkazilishi lozim bo‘lgan o‘lchash vositalari turkumlarining ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
10-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3606*

O‘zbekiston Respublikasining “Metrologiya to‘g‘risida”gi Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 12-sentabrdagi 564-son “O‘zbekiston Respublikasining “Metrologiya to‘g‘risida”gi Qonuniga o‘zgartirishlar kiritilishi munosabati bilan O‘lchash natijalari davlat ahamiyatiga ega bo‘lgan o‘lchash vositalari turkumlarining ro‘yxatini tasdiqlash hamda O‘zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga metrologiya tekshiruvini hamda davlat metrologiya nazorati funksiyalarining ajratilishini nazarda tutuvchi o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Qiyoslashdan o‘tkazilishi lozim bo‘lgan o‘lchash vositalari turkumlarining ro‘yxati 1-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar 2-ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.
3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakili hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.
4. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor**A. JUMANAZAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 7-yanvar,
78-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 11-fevralda e‘lon qilingan.

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari
va qonuniy manfaatlarini himoya
qilish bo'yicha vakil*

D. KASIMOV

2025-yil 4-yanvar

Savdo-sanoat palata raisi

D. VAXABOV

2024-yil 25-dekabr

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston
texnik jihatdan tartibga solish agentligi
direktorining 2025-yil 7-yanvardagi
78-son buyrug'iga
1-ILOVA

**Qiyoslashdan o'tkazilishi lozim bo'lgan o'lchash
vositalari turkumlarining
RO'YXATI**

T/r	O'lchash vositalari turkumlarining nomi	O'lchash vositalarining qiyoslashlararo muddati
Geometrik kattaliklar o'lchash vositalari		
1.	Chegaraviy yassi uzunlik o'lchash vositalari ***	12 oy
2.	Shtixli uzunlik o'lchash vositalari	12 oy
3.	Uzunlik o'lchash asboblari	12 oy
4.	Uzunlik o'lchash vositalari. Optik-mexanik asboblari ***	12 oy
5.	24 dan 75000 m gacha bo'lgan diapazonda uzunlik o'lchash vositalari ***	12 oy
6.	Kosmik navigatsiya tizimlarining signallari bo'yicha koordinatalar farqini o'lchash vositalari ***	12 oy
7.	0,025 dan 600 μm gacha bo'lgan diapazonda R_{max} , R_z , R_a g'adir-budurlik parametrlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
8.	Dumaloqlilikdan og'ishni o'lchash vositalari	12 oy
9.	Toraytiruvchi qurilmalar (diafragmalar)	12 oy
Tekislikdan og'ish interferension o'lchash vositalari		
10.	Interferometrlar ***	12 oy
11.	Yassi shisha plastinalar ***	12 oy
12.	Nazorat brusoklari	12 oy
13.	Yassi shisha plastinalar ***	12 oy
14.	To'g'ri chiziqchilik va yassilikdan og'ishni o'lchash vositalari	12 oy

15.	Tishli ilashma parametrlarini o'lchash vositalari	12 oy
16.	Rezba parametrlarini o'lchash vositalari	12 oy
17.	Yassi burchakni o'lchash vositalari ***	12 oy
18.	Qalinlik o'lchagichlari ***	12 oy
19.	Qoplamlarning yuza zichligini o'lchash vositalari	12 oy
20.	Qoplamlar qalinligi, qoplamlar nuqsonlarini o'lchash vositalari	12 oy
21.	Maydonni o'lchash vositalari	12 oy
22.	Detal materiallari lokal yaxlit emaslikning geometrik o'lchamlari va joylashuvini o'lchash vositalari	12 oy
23.	90 dan 1800 K gacha diapazonda qattiq jismlarning chiziqli kengayish harorat koeffitsiyentini o'lchash vositalari	12 oy
24.	O'lchash elaklari ***	12 oy
25.	Geodezik o'lchash vositalari (nivelir, teodolit) ***	12 oy
26.	Qurilish materiallarining geometrik parametrlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
Mexanik kattaliklarni o'lchash vositalari		
27.	Chakana savdoda qo'llanadigan tovarlar massasini, shu jumladan narxi va qiymatini ko'rsatgan holda o'lchash uchun tarozilar ***	12 oy
28.	E_1 , aniqlik sinfidagi toshlar	36 oy
29.	E_2 , aniqlik sinfidagi toshlar	24 oy
30.	$F_1, F_2, M_1, M_{1,2}, M_3, M_{2,3}$ va M_3 aniqlik sinfidagi toshlar	12 oy
31.	Konveyer tarozilar	12 oy
32.	Dozalagich-tarozilar va bunker tarozilar	12 oy
33.	Ishchi purka	12 oy
34.	Kvadrant va torsion tarozilar	12 oy
35.	Avtomobil va temir yo'l tarozilari (statikada va harakatda massani aniqlash uchun), shuningdek transport vositalarining o'qqa nisbatan og'irligini aniqlovchi tarozilar ***	12 oy
36.	I (Ia) va II razryadli namunaviy tarozilar ***	12 oy
37.	Massa komparatorlari ***	12 oy
38.	1 razryadli namunaviy purka ***	12 oy
39.	2 razryadli namunaviy purka ***	12 oy
40.	Massa o'zgartirgichlari sifatida qo'llanadigan tenzorezistor datchiklari (tenzodatchik) ***	12 oy
41.	Maxsus yuklar	12 oy
42.	Kuch va burovchi kuch momenti o'lchash vositalari ***	12 oy
43.	Deformatsiyani o'lchash vositalari ***	12 oy
44.	0,001 dan 200 m/s ² gacha diapazonda qattiq jismning doimiy chiziqli tezlanishini o'lchash vositalari	12 oy
45.	510 ⁻⁸ dan 2,510 ⁻⁴ rad/s gacha diapazonda burchak tezlikni o'lchash vositalari	12 oy
46.	1 dan 100 rad/s ² gacha diapazonda doimiy burchakli tezlanishini o'lchash vositalari	12 oy
47.	0,5 dan 30 Hz gacha diapazonda tezlanishni o'lchash vositalari	12 oy

48.	Taxometrlar, spidometrlar, taksometrlar, taxograflar ***	12 oy
49.	Transport vositalarining harakat tezligini foto va videoqayd etish vositalari (radarlar) ***	12 oy
50.	Qattqlik o'lchash vositalari ***	12 oy
51.	Avtoservis tizimining o'lchash vositalari ***	12 oy
52.	Grammometr	12 oy
53.	Beton qattqligi o'lhagichlari	12 oy
54.	Zarbni o'lchash vositasi	12 oy
55.	Penetrometr	12 oy
56.	Armatura cho'zilishini aniqlash uchun sinov mashinalari ***	12 oy
57.	Troslarning tortilishdagi tarangligini o'lhagich ***	12 oy
58.	Motovilo	12 oy
59.	Ipning buralish va cho'zilishini o'lhagichi (krutkomer)	12 oy
60.	Beton mustahkamligi o'lhagichlari ***	12 oy
Modda oqimi, sarfi, sathi, hajmi parametrlarini o'lchash vositalari		
61.	O'zgaruvchan bosimlar farqi usulida ishlovchi sarf o'lhagichi va o'lchash tizimlari ***	12 oy
62.	Sanoatda hamda kommunal-maishiy sohada** qo'llash uchun suyuqlik va gazlar hajmiy, trubinali, uyurmali, rotorli, massaviy (kariolisli), ultratovushli (400 mm gacha), elektromagnitli sarf o'lhagichlar va hisoblagichlar ***	24 oy
63.	Sanoatda qo'llash uchun diametri 400 mm va undan yuqori bo'lgan ultratovushli gaz sarfi o'lhagichlari ***	48 oy
64.	Issiqlik energiyasi hajmi va miqdori sarfining hisoblagichlari, o'zgartirgichlari ***	48 oy
65.	Rotametrlar	12 oy
66.	Suyuqlik va gazlar uchun o'lhagichlar va hisoblagichlarni qiyoslash qurilmalari	24 oy
67.	Standart toraytiruvchi qurilmalar yordamida bosimlar farqi asosida suyuqlik va gazlarning sarfi va miqdorini o'lchash majmualari ***	48 oy
68.	Neft va neft mahsulotlarini o'lchash uchun avtomatlashtirilgan tizimlar va qurilmalar	12 oy
69.	Siqilgan gaz tarqatish o'lhash kolonkalari ***	12 oy
70.	Suyuqliklar, gaz va issiqlik energiyasi hajmi va miqdorini o'lchash korrektorlar va kontrollerlar ***	24 oy
71.	Yoqilg'i va moy tarqatish kolonkalari ***	6 oy
72.	Suyultirilgan gaz tarqatish kolonkalari ***	6 oy
73.	Suyuq neft mahsulotlari uchun hisoblagichlar, sarf o'lhagichlar ***	12 oy
74.	2000 ml gacha kichik sig'imdagi suyuqlik o'lhagichlari ***	12 oy*
75.	2000 ml dan yuqori sig'imdagi suyuqlik o'lhagichlari ***	12 oy
76.	Kritik mikrosoplalar	24 oy
77.	Gorizontal va vertikal silindrik rezervuarlar	60 oy
78.	Avtomobil sisternalari	12 oy
79.	Temir yo'l sisternalari	60 oy

80.	Suv va havo oqimining tezligini o'lchash vositalari	12 oy
81.	Sathni o'lchash vositalari ***	12 oy
82.	Yuridik shaxslar tomonidan kommunal xizmatlar uchun to'lovlarni hisoblashda qo'llaniladigan tabiiy gaz, sovuq va issiq suv miqdorini o'lchash vositalari ***	48 oy
83.	Jismoniy shaxslar tomonidan kommunal xizmatlar uchun to'lovlarni hisoblashda qo'llaniladigan tabiiy gaz, sovuq va issiq suv miqdorini o'lchash vositalari ***	96 oy
Bosim o'lchash, vakuumli o'lchash vositalari		
84.	Ko'rsatuvchi va o'zi yozadigan manometrlar, vakuummetrlar, manovakuummetrlar, bosim o'lchagichlar, naporomerlar, tyagomerlar va tyagonaporomerlar	12 oy
85.	Sfigmomanometrlar	12 oy
86.	Bosim o'lchash o'zgartirgichlari (datchiklar)	12 oy
87.	Yuk porshenli manometrlar, yuk porshenli vakuummetrlar, yuk porshenli manovakuummetrlar	24 oy
88.	Bosim kalibratorlari	12 oy
89.	2,710 ² dan 400010 ² Pa gacha diapazonda mutlaq bosim o'lchash vositalari	12 oy
90.	Mutlaq bosim yuk porshenli manometrlari	24 oy
91.	10 kHz chastotalarda 1 dan 250 MPa gacha diapazonda davriy bosim o'lchash vositalari	12 oy
92.	Impulsi bosim o'lchash vositalari	12 oy
93.	Barometrlar ***	12 oy
94.	Namunaviy manometrlar, vakuummetrlar, manovakuummetrlar	12 oy
Moddalarning fizik-kimyoviy tarkibi va xossalari o'lchash vositalari		
95.	Suyuqlik qovushqoqligini o'lchash vositalari ***	12 oy
96.	Kapillyar viskozimetrlar ***	12 oy
97.	Namunaviy kapillyar viskozimetrlar ***	60 oy
98.	Zichlik o'lchash vositalari (areometrlar, piknometrlar, neftedensimetrlar, densimetrlar va spirt o'lchagichlar) ***	12 oy
99.	Namunaviy areometrlar, piknometrlar, neftedensimetrlar, densimetrlar, spirt o'lchagichlar, sut o'lchagichlar va shakar o'lchagichlar ***	60 oy
100.	Mass-spektrometrlar, spektrometrlar, spektrofotometrlar va xromatograflar ***	12 oy
101.	Gaz namligini o'lchash vositalari ***	12 oy
102.	Namunaviy gigrometrlar (namlikni aniqlash uchun)	24 oy
103.	Qattiq va sochiluvchan material va moddalar namligini o'lchash vositalari ***	12 oy
104.	Gaz analizatorlari va tutun o'lchagichlar ***	12 oy
105.	Portlash xavfi bo'lgan konsentratsiya signalizatorlari ***	12 oy
106.	Gazoanalitik uskunalar	12 oy
107.	Haydovchi nafasida spirt bug'lari konsentratsiyasini o'lchash vositalari ***	12 oy

108.	Neft va neft mahsulotlari tarkibi, xossalari va sifat ko'rsatkichlari analizatorlari ***	12 oy
109.	Tarkibida suv bo'lmagan suyuqliklarning namligini o'lchash vositalari	12 oy
110.	Neft va neft mahsulotlarining chaqnash harorati, past haroratli xossalari, anilin nuqtasi analizatorlari ***	12 oy
111.	pH-metrlar va ion o'lchagichlar ***	12 oy
112.	Elektrodlı tizim imitatorlari	12 oy
113.	Konduktometrlar, tuz o'lchagichlar ***	12 oy
114.	Polyarograflar	12 oy
115.	Titratolar ***	12 oy
116.	Atmosfera holati parametrlarini tadqiq qilish (sinash) va o'lchash uchun qo'llaniladigan o'lchash vositalari ***	12 oy
117.	Nitrat o'lchagichlar ***	12 oy
118.	Moydorlikni aniqlash uchun yadroviy magnitli rezonans analizatorlari ***	12 oy
119.	Suyuqlik va qattiq moddalarning har xil analizatorlari	12 oy
120.	Ichimlik, tabiiy va oqova suvlardagi ifloslantiruvchi moddalar tarkibini tadqiq qilish (sinash) va o'lchash uchun qo'llanadigan o'lchash vositalari ***	12 oy
Issiqlik fizik va harorat o'lchov vositalari		
121.	Kontaktli harorat o'lchash vositalari	12 oy
122.	Nurlanish pirometrlari va harorat lampalari	12 oy
123.	Yorug'lik harorat lampalari, yorug'lik harorat o'lchashlari	12 oy
124.	Rangli harorat lampalari	12 oy
125.	Issiqlik miqdorini o'lchash vositalari	12 oy
126.	Qattiq jismlarning issiqlik o'tkazuvchanligini o'lchash vositalari	12 oy
127.	Qattiq jismlarning solishtirma issiqlik sig'imini o'lchash vositalari ***	12 oy
128.	Termometrlar	12 oy
129.	Pirometrlar	12 oy
130.	Termojuftliklar va qarshilik termometrlari ***	12 oy
131.	Millivoltmetrlar va avtomatik potensiometrlar	12 oy
132.	Logometrlar, harorat rostlagichlari	12 oy
133.	Harorat datchiklari	12 oy
134.	Shishali namunaviy termometrlar ***	12 oy
135.	Termostatlar, quritish shkaflari, mufel pechlar	12 oy
136.	Kolorimetrik uskunalar	24 oy
137.	Iqlimiy kameralar, issiqlik va sovuq kameralari	24 oy
138.	Bug'lash kamerasi, qattiqlashish kamerasi	24 oy
139.	Harorat kalibratorlari	24 oy
140.	"Qora jism" ko'rinishidagi harorat tarqatuvchilari	24 oy
141.	Psixrometrik gigrometrlar	12 oy
142.	Nam havo generatori	36 oy
143.	Infraqizil pirometrlar va termometrlar ***	24 oy

144.	Elektron va raqamli termogigrometrlar	12 oy
145.	Teplovizorlar ***	12 oy
146.	Elektr ko'priklar ***	12 oy
147.	Harorat lampalari ***	60 oy
148.	Platinorodiy-platinali namunaviy termoelektr termoo'zgartirgichlar ***	12 oy
Vaqt va chastota o'lchash vositalari		
149.	Vaqt va chastota o'lchash vositalari (qum soatlardan tashqari) ***	12 oy
150.	Ulanish davomiyligini o'lchash tizimlari va vositalari ***	24 oy
151.	Ma'lumotlar uzatish tezligi va hajmini o'lchash tizimlari va vositalari ***	24 oy
152.	Chastotali tezlik parametrlarini o'lchash vositalari va uskunalari ***	12 oy
Elektr va magnit kattaliklarini o'lchash vositalari		
153.	O'zgaruvchan va o'zgarmas tok kuchini o'lchash vositalari	12 oy
154.	Elektr yurituvchi kuchni o'lchash vositalari	12 oy
155.	O'zgarmas va o'zgaruvchan kuchlanishni o'lchash vositalari	12 oy
156.	Elektr quvvat va quvvat koeffitsiyentini o'lchash vositalari	12 oy
157.	Kuchlanish va tok o'lchash transformatorlari ***	48 oy
158.	Namunaviy o'lchash transformatorlari ***	12 oy
159.	Faza siljishini o'lchash vositalari	12 oy
160.	Fazalar siljish burchagini o'lchash vositalari	12 oy
161.	O'lchash kontrollerlari	24 oy
162.	Texnologik jarayonlarni avtomatlashtirilgan boshqaruv tizimi o'lchash kanallari ***	24 oy
O'zgarvas va o'zgaruvchan toklar elektr energiyasini o'lchash vositalari		
163.	Yuridik shaxslarning elektr energiyasini hisobga olish hisoblagichlari ***	48 oy
164.	Jismoniy shaxslarning elektr energiyasini hisobga olish hisoblagichlari ***	96 oy
165.	Elektr energiyasini tijoratga oid hisobga olish tizimlari ***	48 oy
166.	Namunaviy elektr energiyasi hisoblagichlari	12 oy
167.	Sinusoidal tokning masshtab o'zgarish koeffitsiyenti va burchagini o'lchash vositalari	48 oy
168.	Elektr yo'qotishlar burchagining tangensini o'lchash vositalari	12 oy
169.	Elektr qarshilikni o'lchash vositalari	12 oy
170.	Elektr qarshilik o'lchovlari, katushkalar	12 oy
171.	Induktivlikni o'lchash vositalari	12 oy
172.	Elektr sig'imni o'lchash vositalari	12 oy
173.	Ta'minot manbalari, stabilizatorlar ***	12 oy
174.	Elektr signal o'zgartirgichlari ***	12 oy
175.	Elektr signal registratorlari ***	12 oy
176.	Elektr signal manbalari (kalibratorlar va komparatorlar) ***	12 oy
177.	Elektr namlik o'lchagichlar ***	12 oy

178.	Kalibrlash shuntlari ***	12 oy
179.	Normal to'yingan elementlar	12 oy
180.	O'lchash imitatorlari	12 oy
181.	Multimetr va testerlar	12 oy
Radiotexnik va radioelektron o'lchash vositalari		
182.	Impulsli generatorlar ***	12 oy
183.	Ossillograflar ***	12 oy
184.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali o'lchash generatorlari***	12 oy
185.	Tovushli generatorlar ***	12 oy
186.	Signal generatorlari va uskunalar ***	12 oy
187.	Voltmetr qiyoslash uskunalari	12 oy
188.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali vattmetrlar va quvvat o'lchagichlari	12 oy
189.	Trassa va kabel qidiruv uskunalari (lokatorlar) ***	12 oy
190.	Reflektometrlar ***	12 oy
191.	Kabel va antenna parametrlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
192.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali attenyuatorlar ***	12 oy
193.	Signal so'nishini o'lchash vositalari ***	12 oy
194.	Yuqori va o'ta yuqori chastotali chiziqli o'lchash vositalari***	12 oy
195.	Chastota va kuchlanish o'zgartirgichlari ***	12 oy
196.	Signal formalari va parametrlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
197.	Simli aloqa tizimlarida foydalaniladigan o'lchash vositalari va tizimlari ***	12 oy
198.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali selektiv voltmetrlar hamda ularni qiyoslash uskunalari	12 oy
199.	Impuls hisoblagichlar ***	12 oy
200.	Taxograf programmatorlari (dasturlovchi tizimlar) ***	12 oy
201.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali tebranishlarning amplituda modulyatsiyasi koeffitsiyentlarini o'lchash vositalari***	12 oy
202.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali nochiziqli buzilishlar koeffitsiyentini o'lchash vositalari ***	12 oy
203.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali deviatziya (og'ish) o'lchash vositalari, shuningdek chastotali tezlik parametrlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
204.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali elektr kuchlanishni o'lchash vositalari ***	12 oy
205.	Amplituda va chastota tavsifini o'lchash vositalari ***	12 oy
206.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali magnit maydon kuchlanishini o'lchash vositalari	12 oy
207.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali elektr maydonining kuchlanganligini o'lchash vositalari	12 oy
208.	Koaksial (bir o'qda yotuvchi) to'lqin uzatgichda chetki elementlarining to'liq qarshiligini o'lchash vositalari ***	12 oy
209.	Bikompleks o'tkazuvchanlik va qaytarish koeffitsiyentining modulini o'lchash vositalari ***	12 oy

210.	Qattiq va suyuq dielektriklarning nisbiy dielektrik o'tkazuvchanligini o'lchash vositalari	12 oy
211.	Koaksial (bir o'qda yotuvchi) va to'liq uzatish traktlarida o'zgaruvchan tok quvvatini o'lchash vositalari ***	12 oy
212.	To'liq uzatish traktlarida elektromagnit tebranishlar quvvatini o'lchash vositalari ***	12 oy
213.	Pleziokron va sinxron aloqa tizimlaridagi o'lchash vositalari, shuningdek, ulanish davomiyligini o'lchash tizimlari va vositalari ***	12 oy
214.	Elektr magnit maydoni quvvatining zichligini o'lchash vositalari ***	12 oy
215.	Shovqinli radionurlanish quvvatining spektral zichligini o'lchash vositalari ***	12 oy
216.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali spektr analizatorlari ***	12 oy
217.	Optik tolali aloqa tizimlarida qo'llaniladigan o'lchash vositalari, shuningdek ma'lumotlar uzatish tezligi va hajmini o'lchash tizimlari va vositalari ***	12 oy
218.	Past, yuqori va o'ta yuqori chastotali maxsus qabul qiluvchi, uzatuvchi o'lchash antennalari ***	12 oy
219.	Fider va antenna analizatorlari, televizion va radiosignallar analizatorlari, sun'iy yo'ldosh va radiosignallar analizatorlari, chastota modulyatsiyasi va stereosignallar o'lchagichlari (analizatorlar) ***	12 oy
Vibroakustik o'lchash vositalari		
220.	Havo va suvli muhitda tovushli bosimni o'lchash vositalari	12 oy
221.	Tovush darajasini emission to'g'ri birlashtirilgan pezoelektrik o'zgartirgichlarning ikki karra o'zgarish koeffitsiyentini va akustik maydon yo'nalganlik diagrammasining kengligini o'lchash vositalari ***	12 oy
222.	Qattiq muhitlarda bo'ylama ultratovushli tebranishlarning so'nish koeffitsiyentini o'lchash vositalari	12 oy
223.	Qattiq muhitlarda bo'ylama ultratovushli to'liqlar tarqalish tezligini o'lchash vositalari ***	12 oy
224.	Seysmosiljishlar, seysmotezlik va seysmotezlanishni o'lchash vositalari ***	12 oy
225.	Vibrosiljishlarni o'lchash vositalari ***	12 oy
226.	Zarbli harakatda tezlanishni o'lchash vositalari ***	12 oy
227.	Qattiq muhitda bo'ylama tovush darajasi tebranishlarining so'nish koeffitsiyentini o'lchash vositalari ***	12 oy
228.	Vibrotezlik va siljish o'ramatokli o'lchash vositalari (datchiklari)	12 oy
229.	Val va o'q siljish o'ramatokli o'lchash vositalari	12 oy
230.	Akustika emission defekt o'lchash vositalari ***	12 oy
231.	Ultratovushli qalinlik o'lchash vositalari ***	12 oy
232.	Defektoskoplar	12 oy
233.	Shovqin va tebranishni o'lchash vositalari ***	12 oy

Optik va optika-fizikaviy o'lchash vositalari		
234.	Uzluksiz va impulsli nurlanish yorug'lik kattaliklarini o'lchash vositalari ***	12 oy
235.	Rang koordinatalari va rangdorlik koordinatalarini o'lchash vositalari ***	12 oy
236.	To'lqin uzunligi yo'nalgan o'tkazishning diffuziya va teskari tasvirlarning spektral, integral va reduksiya koeffitsiyentlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
237.	Materiallarning optik zichligi, yorug'lik, o'tkazish (oq rangda) va sinish koeffitsiyentlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
238.	Biologik namunalarning optik zichligini o'lchash vositalari, biokimyo, immunoferment, peshob va gematologik analizatorlar, shuningdek, spektrofotometrilar, fotometrilar, spektrometrilar, fotokolorimetrilar ***	12 oy
239.	Qattiq va suyuq shaffof moddalarning sinish ko'rsatkichini o'lchash vositalari ***	12 oy
240.	Qutblanish tekisligining aylanish burchagi, chiziqli ikki nur sinishida fazalar farqini, chiziqli va aylana dixroik yutilish koeffitsiyentlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
241.	0,2 dan 25 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida yaxlit spektr uzluksiz optik nurlanishining nurlanish kuchi va energetik yoritilganligini o'lchash vositalari	12 oy
242.	0,025 dan 25 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida energetik yorqinlikning spektral zichligi, nurlanish kuchining spektral zichligi, energetik yorug'likning spektral zichligini o'lchash vositalari	12 oy
243.	0, 0,01 dan 0,25 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida optik nurlanish energetik yorqinlikning spektral zichligini o'lchash vositalari	12 oy
244.	0,3 dan 10 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida quyosh nurlanishi bilan energetik yoritilganligini o'lchash vositalari***	12 oy
245.	0,4 dan 10,6 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida impulsli lazer nurlanish qabul qilgichlarning quvvati va dinamik parametrlarini o'lchash vositalari ***	12 oy
246.	0,4 dan 1,4 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida 10^{-6} dan 10^{-2} W gacha nurlanish oqimini o'lchash vositalari ***	12 oy
247.	0,3 dan 12 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida lazer nurlanishning o'rtacha quvvatini o'lchash vositalari ***	12 oy
248.	0,3 dan 12 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida impulsli lazer nurlanish energiyasini o'lchash vositalari ***	12 oy
249.	0,5 dan 1,6 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida impulsli optik nurlanish oqimini o'lchash vositalari ***	12 oy
250.	Tolali-optik uzatish tizimlarining komponentlaridagi optik olib kiriladigan yo'qotishlarni o'lchash vositalari ***	12 oy
251.	Optik tola sonli aperturasini o'lchash vositalari	12 oy
252.	Yorug'lik o'tkazgichning o'tish tavsifi va o'tkazish polosasining o'sib borish vaqtini o'lchash vositalari	12 oy

253.	Optik tola sinish ko'rsatkichining profilini o'lchash vositalari	12 oy
254.	Refraktometrlar, refraktometrik plastinalar (prizmalar) ***	12 oy
255.	Yorug'lik o'tkazgichda uzilish joyigacha masofani o'lchash vositalari	12 oy
256.	Sensitometriyada yoritilganlik, nur tushirish vaqtining samaraliligi va rangga oid haroratni o'lchash vositalari	12 oy
257.	0,2 dan 1,4 μm gacha to'lqin uzunligi diapazonida spektrosensito-metriyada energetik yoritilganlikni o'lchash vositalari	12 oy
258.	Fotomateriallarning ruxsat berish qobiliyatini o'lchash vositalari	12 oy
259.	Elektron-optik o'zgartirgichlar asosidagi fotoxronografik apparatura	12 oy
260.	Qutblik o'lchagichlar, qand o'lchagichlar, polyariskoplar	12 oy
261.	Yaltiroq o'lchagichlar (bleskomer), oqlik o'lchagichlar	12 oy
262.	Yorug'lik o'tkazish o'lchash vositalari ***	12 oy
263.	Rang o'lchagichlar, rang komparatorlari, densitometrlar ***	12 oy
264.	Lyuksmetrlar	12 oy
265.	Namunaviy svetofiltrlar ***	12 oy
266.	Namunaviy polyarimetrik plastinalar (PPO-1 va TK) ***	12 oy
267.	Rang va rangdorlik koordinatalar birligi hamda aks ettirish spektral koeffitsiyent o'lchagichlari ***	12 oy
Yadroviy konstantalarning ionlovchi nurlanish tavsiflarini o'lchash vositalari		
268.	Ekspozitsion doza, ekspozitsion dozaning quvvati hamda rentgen va gamma-nurlanish energiyasining oqimini o'lchash vositalari ***	12 oy
269.	Rentgen nurli nazorat uskunlari ***	12 oy
270.	Beta-nurlanish yutilgan dozasini va nurlanish yutilgan dozasining quvvatini o'lchash vositalari ***	12 oy
271.	Fotonli ionlovchi-nurlanish yutilgan dozasining quvvatini o'lchash vositalari ***	12 oy
272.	Maksimal fotonlar energiyasi bilan tormozli nurlanish energiyasining oqimini o'lchash vositalari ***	12 oy
273.	0,8 dan 8 μJ gacha (5 dan 50 MeV gacha) energiyali elektronlar oqimini va elektronlar energiyasining oqimini o'lchash vositalari	12 oy
274.	3 dan 9 fJ gacha (20 dan 60 keV gacha) maksimal fotonlar energiyali rentgen nurlanishining yutilgan dozasini o'lchash vositalari	12 oy
275.	Neytron-nurlanishning yutilgan va ekvivalent dozasi quvvatini o'lchash vositalari ***	12 oy
276.	Ekspozitsion (yutiladigan) doza, ekspozitsion (yutiladigan) dozaning o'rtacha quvvati, impulsli rentgen-nurlanish energiyasining o'rtacha oqimi va oqimning o'rtacha zichligini o'lchash vositalari ***	12 oy

277.	Radionuklidlarning faolligi va solishtirma faolligini o'lchash vositalari ***	12 oy
278.	Alfa-aktiv va beta-aktiv gazlarda nuklidlar faolligini o'lchash vositalari ***	12 oy
279.	Radioaktiv aerazol hajmiy faolligini o'lchash vositalari ***	12 oy
280.	Yuzaning radioaktiv moddalar bilan ifloslanganligini o'lchash vositalari ***	12 oy
281.	Radiy massasini o'lchash vositalari ***	12 oy
282.	Neytronlar oqimi va uning zichligini o'lchash vositalari ***	12 oy
283.	Radiatsiyaviy nazorat tizimlarining o'lchash kanallari ***	12 oy
284.	Ionlovchi-nurlanish parametrlarini o'lchash uchun funksional uzellar, bloklar va qurilmalar ***	12 oy
285.	Gamma, beta va alfa-spektrometrlar, detektorlar, hisoblagichlar ***	12 oy
286.	Xodimlarning ish joylarida radiatsion nazorat uchun qo'llanadigan yutilgan dozani, foton-nurlanish dozasining quvvatini o'lchash vositalari ***	12 oy
287.	Tibbiy biologik tadqiqotlar, kasalliklar diagnostikasi va ularni davolashda qo'llaniladigan radionuklidlar faolligini o'lchash vositalari ***	12 oy
O'lchash tizimlarining elementlari		
288.	Unifikatsiyalangan (birxillastirilgan) signallarning elementlarini o'lchash tizimi***	12 oy
289.	Ma'lumotlar miqdori, uzatish tezligini o'lchash tizimi	24 oy

Izoh:

* *Birlamchi qiyoslashdan o'tkazilgan shishali kichik sig'imdagi suyuqlik o'lchagichlari hamda qum soatlar qiyoslashdan arizachining murojaatiga asosan ixtiyoriy ravishda o'tkaziladi.*

** *kommunal-maishiy sohada qo'llaniladigan hisoblagichlarning o'lchash chegarasi 10440 m³/h.*

*** *Ushbu o'lchash vositalarini qiyoslash akkreditatsiya qilingan O'zbekiston milliy metrologiya instituti, respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari va xo'jalik boshqaruvi organlarining metrologiya xizmatlari tomonidan amalga oshiriladi.*

O'lchash natijalari davlat ahamiyatiga ega bo'lgan o'lchash vositalari turkumlarining ro'yxatiga kiritilmagan o'lchash vositalarini qiyoslash yuridik shaxslarning metrologiya xizmatlari tomonidan amalga oshirilishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston
texnik jihatdan tartibga solish agentligi
direktorining 2025-yil 7-yanvardagi
78-son buyrug'iga
2-ILOVA

**O'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2019-yil 12-iyuldagi 91-son "Metrologiya tekshiruvidan o'tkazilishi lozim bo'lgan o'lchov vositalari turkumlarining ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 3174, 2019-yil 30-iyul) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.07.2019-y., 10/19/3174/3491-son).

2. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2019-yil 16-oktabrdagi 137-son "Metrologiya tekshiruvidan o'tkazilishi lozim bo'lgan o'lchov vositalari turkumlarining ro'yxatiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 3174-1, 2019-yil 7-noyabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 07.11.2019-y., 10/19/3174-1/4002-son).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

62 O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining
ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga qo‘shimchalar
kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
11-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3607*

O‘zbekiston Respublikasining “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga
muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining ayrim idoraviy
normativ-huquqiy hujjatlariga ilovaga muvofiq qo‘shimchalar kiritilsin.
2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2025-yil 30-yanvar,
228-son

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil
30-yanvardagi 228-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining
ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga kiritilayotgan
qo‘shimchalar**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2020-yil 28-maydagi 24-son
buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3259, 2020-yil 30-iyun) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari
milliy bazasi, 30.06.2020-y., 10/20/3259/1055-son) bilan tasdiqlangan
O‘zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (4-sonli BHMS)
“Tovar-moddiy zaxiralar”ning 24-bandida:

“qayta hisoblash yo‘li bilan so‘mda belgilanadi” degan so‘zlardan keyin “,
bundan to‘langan bo‘nak summasi mustasno” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Bunda, tovar-moddiy zaxiralar to‘liq yoki qisman oldindan chet el valyutasida
to‘langan bo‘nak hisobiga xarid qilinganda, ularning qiymatining ushbu bo‘nak
miqdoriga teng summasi bo‘nak to‘langan sanadagi Markaziy bank kursida tan
olinadi.”.

2. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 11-fevralda e‘lon qilingan.

14-iyundagi 133-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3546, 2024-yil 9-avgust) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 12.08.2024-y., 10/24/3546/0602-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (5-sonli BHMS) "Asosiy vositalar"ning 16-bandida:

"hisobga olgan holda, aniqlanadi" degan so'zlardan keyin " , bundan to'langan bo'nak summasi mustasno" degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"Bunda, asosiy vositalar to'liq yoki qisman oldindan chet el valyutasida to'langan bo'nak hisobiga xarid qilinganda, ularning qiymatining ushbu bo'nak miqdoriga teng summasi bo'nak to'langan sanadagi Markaziy bank kursida tan olinadi."

3. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-iyundagi 134-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3547, 2024-yil 9-avgust) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 12.08.2024-y., 10/24/3547/0605-son) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standarti (7-sonli BHMS) "Nomoddiy aktivlar"ning 17-bandida:

"qayta hisoblash yo'li bilan so'mda belgilanadi" degan so'zlardan keyin " , bundan to'langan bo'nak summasi mustasno" degan so'zlar bilan to'ldirilsin;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"Bunda, nomoddiy aktivlar to'liq yoki qisman oldindan chet el valyutasida to'langan bo'nak hisobiga xarid qilinganda, ularning qiymatining ushbu bo'nak miqdoriga teng summasi bo'nak to'langan sanadagi Markaziy bank kursida tan olinadi."

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I

63 “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlari o‘quvchilari tomonidan tanishtiruv va malakaviy amaliyotni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruq, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
14-fevralda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3116-2*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 16-oktabrdagi PF–158-son “Kasbiy ta‘limda malakali kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va xalqaro ta‘lim dasturlarini joriy qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 28-dekabrda 900-son “Kasbiy ta‘lim tashkilotlari o‘quvchilarining ishlab chiqarish amaliyotini tashkil etish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Quyidagilar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin:

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2019-yil 9-yanvardagi 8-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlari o‘quvchilari tomonidan tanishtiruv va malakaviy amaliyotni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3116, 2019-yil 9-yanvar) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.01.2019 y, 10/19/3116/2444-son);

O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2021-yil 9-fevraldagi 1-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik kollejlari o‘quvchilari tomonidan o‘quv va malakaviy amaliyotni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyruqqa o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3116-1, 2021-yil 9-fevral) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.02.2021 y, 10/21/3116-1/0092-son).

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2025-yil 10-fevral,
3-mh son

A. TASHKULOV

Kelishildi:

Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vaziri

2025-yil 6-fevral

K. SHARIPOV

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi direktorining 2025-yil 7-yanvardagi 78-son "Qiyoslashdan o'tkazilishi lozim bo'lgan o'lchash vositalari turkumlarining ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 10-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3606.

2. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 30-yanvardagi 228-son "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlariga qo'shimchalar kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 11-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3607.

3. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2025-yil 10-fevraldagi 3-mh-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlari o'quvchilari tomonidan tanishtiruv va malakaviy amaliyotni o'tash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruq, shuningdek unga o'zgartirishlarni o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi buyrug'i.

2025-yil 14-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3116-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 12 июлдаги 91-сон "Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи (рўйхат рақами 3174, 2019 йил 30 июль), шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3174-1, 2019 йил 7 ноябрь).

2025 йил 10 февралда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 9 январдаги 8-мх-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумлари ўқувчилари томонидан таништирув ва малакавий амалиётни ўтатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (рўйхат рақами 3116, 2019 йил 9 январь), шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3116-1, 2021 йил 9 февраль).

2025 йил 14 февралда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

